

67-99

У-40 ✓



**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ**

**НОВЫЕ ЗАКОНЫ
УЗБЕКИСТАНА**

20

“АДОЛАТ”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ

*(Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг 1-чақириқ
XII сессиясида 1998 йил 28—29 августда
қабул қилинган қонун ва қарорлар)*

20

Тошкент
«Адолат»
1999


Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. 20-сон. — Т.: «Адо-
лат», 1999 й. 305 б.

Сарл олдида: Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-
зирлиги.

ББК 67.99(5У)—3.

Нашр учун масъул:

**Р. КАРИМОВА.
М. МИРСАМАДОВ.**



У $\frac{1203020000 - 004}{(04) - 99}$ 99

**«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИНИ
ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 28 август

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 163-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. «Эл-юрт ҳурмати» ордени таъсис этилсин.
2. «Эл-юрт ҳурмати» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Эл-юрт ҳурмати» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5—6, 63-модда; № 9, 120-модда) «Буюк хизматлари учун» ордени» деган сўзлардан сўнг «**ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ**» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

Н И З О М

1. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланадилар.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланишлари мумкин.

2. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карра миқдоридagi бир йўла пул мукофотини оладилар. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

4. «Эл-юрт ҳурмати» ордени кўкракнинг чап томонига тақиб юрилади.

5. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла пул мукофоти мукофотланганинг оиласига топширилади.

ТА В С И Ф И

«Эл-юрт ҳурмати» ордени 1 микрон қалинликдаги олтин қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади, у икки ёқлама нурлар таралувчи саккиз қиррали юлдуз шаклига эга. Юлдуз бурчаклари орасида зангори рангдаги шаффоф эмаль қопланган таралувчи нур тутамлари жойлашган. Юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиғидаги масофа 57 миллиметр. Нурларни ўз ичига олган доира диаметри — 52 миллиметр.

Орденнинг марказида чиқаётган қуёш, водийлар ва тоғлар фонида Регистон архитектура мажмуи тасвирланган. Фон рангли эмаль билан қопланган.

Тасвир атрофи 5 миллиметр кенгликдаги айлана билан ҳошияланган. Ҳошиянинг юқори қисмида, оқ фонда «**EL-YURT HURMATI**» сўзлари, ҳошиянинг пастки қисмида — яшил шаффоф эмаль билан қопланган дафна шохлари жойлашган.

Орқа томонида, пастки қисмида орден рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орден Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги муҳайяр лента ўралган қадағичга илмоқча ва ҳалқа ёрдамида уланади.

Орден қалинлиги — 8 миллиметр.

Орден вазни — 62,5 грамм.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 28 август

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 164-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:

1. «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5—6, 64-модда; 1997 йил, № 2, 64-модда; 1998 йил, № 5—6, 114-модда) 1-моддаси «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» деган сўзлардан сўнг қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ифтихори».

3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони тўғрисидаги матндан сўнг қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ва шуларга тенг жаҳон спорт анжуманларида голиблик — чемпионлик унвонига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини, шони ва шуҳратини улуғлашга кўмаклашган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўкрак нишонлари тавсифи «Ўзбекистон Республикаси фан ар-

боби» фахрий унвонининг кўкрак нишони тавсифи мат-нидан сўнг қуйидаги мазмундаги матн билан тўлдирил-син:

«Ўзбекистон ифтихори»

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қоп-ланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 36 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалин-лиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томони оқ эмал билан қопланган бўлиб, стадион тасвири ва яшил ранг-ли футбол майдони акс эттирилган, унинг пастки қис-мида олимпия рамзи — бешта ўзаро боғлиқ халқалар жойлашган. Стаднондан юқорида кумуш рангдаги ик-кита қўл тасвирланган бўлиб, улар Ўзбекистон Респуб-ликаси рельеф Гербини кўтариб турибди. Нишоннинг юқори қисмида, герб юқорисида «O'ZBEKISTON IFTI-**XORI**» деган ёзув жойлашган. Пастки қисмида яшил шаффоф эмал билан қопланган дафна шохлари жой-лашган бўлиб, уларнинг ўртаси Ўзбекистон Республи-каси Давлат байроғи рангларидаги лента билан ўрал-ган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республика-сининг Давлат герби тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида 1 миллиметр баландликдаги ботиқ шрифтда ни-шон рақами қўйилган.

Тасвир ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республи-касининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента си-рилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА
ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚУШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 28 август

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 167—168-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о і
қ и л а д и:**

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 130-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

Қ О Н У Н И

1-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Юридик ва жисмоний шахсларнинг банкрот бўлиши жараёнида юзага келадиган муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ушбу Қонун ўз фаолиятини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-м о д д а. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилмоқда:

банкротлик (иқтисодий ночорлик) — хўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги;

қарздор — пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловларни ушбу Қонунда белгиланган муддат ичида тўлаш бўйича мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошираётган жисмоний шахс;

пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар (бундан бўш матна **кредиторлар** деб юритилади) — шундай юридик ёки жисмоний шахсларки, қарздор уларнинг олдида мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлади, ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказганлик учун қарздор жавобгар бўлган фуқаролар, шунингдек ўз иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор-юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) бундан мустасно;

пул мажбуриятлари — қарздорнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра кредиторга муайян пул суммасини тўлаш мажбуриятлари;

мажбурий тўловлар — бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

судга санация қилиш — қарздорнинг мол-мулки эгалари, қарздор-юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари), қарздорнинг кредиторлари ва бошқа шахслар томонидан банкротликнинг олдини олиш мақсадида, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар;

ташқи бошқарув — хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида тайинланадиган ҳамда қарздорнинг мол-мулкни бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қўлланиладиган банкротлик таомили;

мораторий — қарздор томонидан пул мажбуриятлари ижросини ҳамда мажбурий тўловлар тўланишини тўхтатиб қўйиш;

ташқи бошқарувчи — ташқи бошқарувни ҳамда ушбу Қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш мақсадида хўжалик суди томонидан тайинланган шахс;

тугатишга доир иш юритиш — кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ҳамда қарздорни қарзлардан қутулган деб эълон қилиш, тарафларни бир-бирига муносабатда ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоялаш мақсадида банкрот деб топилган қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомили;

ишончли шахс — тугатишга доир иш юритиш ҳамда ушбу Қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амал-

та ошириш учун хўжалик суди томонидан тасдиқлана диган шахс;

келишув битими — тарафлар ўртасида суд низосини ўзаро ён бериш йўли билан тугатишга асос бўладиган битим;

қарздорнинг ходимлари вакили — банкротлик таомили ўтказилаётганда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қарздорнинг ходимлари ваколат берган шахс;

шаҳарни ташкил этувчи корхона — ходимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этувчи юридик шахс;

қишлоқ хўжалиги корхоналари — қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжаликлари.

3-м о д д а. **Банкротлик аломатлари**

Юридик шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан олти ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Жисмоний шахснинг (тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошираётган шахснинг) пул маблағлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти уларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, агар мажбуриятларнинг суммаси унга тегишли мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

4-м о д д а. **Банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш**

Банкротлик тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Банкротлик тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 3-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда хўжалик суди томонидан қўзғатилади.

Банкротлик тўғрисидаги иш кўрилаётганда қарздор-юридик шахсга тегишли мол-мулкнинг қиймати ундирилишини умид қилиб бўлмайдиган дебиторлик қарзига айланган айланма маблағларни қайтармай бошқа мақсадларга ишлатиш ҳисобга олинмаган ҳолда белгиланади.

5-модда. Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи

Пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, кредитор, прокурор эга.

Мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажармаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, прокурор, солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар эга.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳамда ўзга шахслар томонидан ҳам берилиши мумкин.

6-модда. Қарздорнинг хўжалик судига мурожаат этиши асослари

Қарздор пул мажбуриятларини бажариш ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини белгиланган муддатда бажаришга қодир бўлмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздор-юридик шахс қарздор мол-мулки эгасининг (эгаларининг) юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарори ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси томонидан вакил қилинган органнинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарори асосида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этади.

Қарздор ўзининг мол-мулки суд харажатларини қоплашга етарли даражада бўлган тақдирда, агар ушбу

Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериши мумкин.

7-модда. Кредиторлар йиғилиши

Банкротлик таомили қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини ушбу Қонунга мувофиқ ташкил этиладиган кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) ҳимоя қилади. Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас.

Қарздорга нисбатан барча хатти-ҳаракаглар ҳамма кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) томонидан амалга оширилади.

Кредиторлар, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, мажбурий тўловлар талаблари қисми бўйича — солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар кредиторлар йиғилишининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган қатнашчиларидир. Кредиторлар йиғилишида қарздорнинг ходимлари вакили иштирок этади.

Қуйидагиларни қабул қилиш кредиторлар йиғилиши ваколати доирасига киради:

келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;

кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш, унинг сон таркибини белгилаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарор;

ташқи бошқарувни жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш ҳамда тегишли илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарор;

қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларга доир қарор.

Кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш ташқи бошқарувчи ёки ишончли шахс томонидан амалга оширилади, кредиторларнинг биринчи йиғилиши бундан мустасно.

Кредитор ёки солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар кредиторлар йиғилишида кредитор, солиқ ор-

гани ёки бошқа ваколатли органнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича қарздорга нисбатан кредиторлар йиғилишини ўтказиш санасида белгиланган талаблари жами суммасига мутаносиб тарздаги овозларга эга бўладилар.

Агар кредиторлар йиғилишида қарздор мажбуриятлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида талабномалар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқи бор кредиторлар ҳозир бўлган бўлса, йиғилиш ваколатли ҳисобланади. Кредиторларнинг манфаатларини йиғилишда ишончли шахс ифодалаши мумкин.

Агар кредитор қарздорнинг эътироф этилган талабларига эга бўлса ва мазкур ишда унинг бошқа манфаатлари бўлмаса, бундай кредитор кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

8-модда. Кредиторлар йиғилишини чақириш тартиби

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши хўжалик суди томонидан аризани кўриб чиқишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим асосида йиғилиш ўтказиладиган жой ва вақтни кўрсатган ҳолда, ажрим чиқарилган пайдан эътиборан ўн кун ичида матбуотда эълон қилиш орқали чақирилади. Эълон қилиш харажатлари қарздор ҳисобидан қопланади.

Кредиторларнинг кейинги йиғилишлари ташқи бошқарувчи, ишончли шахс ташаббуси билан, пул мажбуриятлари ва (ёки) қарздорнинг мажбурий тўловлари бўйича талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этадиган кредиторлар қўмитасининг, кредиторнинг (кредиторларнинг) ва (ёки) солиқ органлари ҳамда бошқа ваколатли органларнинг талабларига биноан ёхуд кредиторларнинг учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилади.

Кредиторлар йиғилиши кредиторлар қўмитасининг ёки кредиторнинг (кредиторларнинг) ташаббуси билан ташқи бошқарувчи, ишончли шахс томонидан ташқи бошқарувчига, ишончли шахсга тегишли ариза билан мурожаат этилган пайдан бошлаб икки ҳафталик муддат ичида чақирилади.

Агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан бошқача қоида белгиланган бўлмаса,

кредиторлар йиғилиши қарздор жойлашган манзилда ўтказилади.

9-м о д д а. Кредиторлар йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби

Овозга қўйилган масалалар юзасидан кредиторлар йиғилиши қарори, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, йиғилишда ҳозир бўлган кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ҳар бир кредитор умумий кредиторлик қарзидаги ўз улушига мутаносиб овоз сонига эга бўлади.

Кредиторлар йиғилиши томонидан барча кредиторлар умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қуйидагилар қабул қилинади:

ташқи бошқарувни жорий этиш ва (ёки) унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор;

қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир ишнинг юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

ташқи бошқарувчининг, ишончли шахснинг ўзгартирилиши ёки ваколатларини бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор.

10-м о д д а. Кредиторларнинг талаблари реестри

Кредиторларнинг талаблари реестрини ташқи бошқарувчи, ишончли шахс юритади.

Кредиторларнинг талаблари реестрида ҳар бир кредитор, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредитор талабларининг миқдори, ҳар бир талабнинг қондирилиш навбати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Кредиторларга талаблар реестри билан танишиш имконияти таъминланиши лозим.

11-м о д д а. Кредиторлар қўмитаси

Кредиторлар қўмитаси кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда ташқи бошқарувчи ва ишончли шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда назорат олиб боради.

Кредиторлар қўмитаси таркибига кредиторлар вакиллари кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланадиган миқдорда киритилади.

Агар қарздорнинг кредиторлари сони йиғирматадан кам бўлса, кредиторлар йиғилишининг қарорига биноан кредиторлар қўмитасининг вазифалари кредиторлар йиғилиши зиммасига юкланиши мумкин.

Кредиторлар қўмитаси ўз зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда қўйидагиларга ҳақлидир:

ташқи бошқарувчидан қарздорнинг молиявий аҳволи ва ташқи бошқарувнинг бориши тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни талаб қилиш;

ишончли шахсдан тугатишга доир иш юритишнинг бориши тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни талаб қилиш;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ташқи бошқарувчи ва ишончли шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан хўжалик судига шикоят қилиш.

Кредиторлар қўмитаси қўйидагиларни қабул қилишга ҳақлидир:

кредиторлар йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор;

кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувчини вазифасидан озод этиш ҳақидаги тавсияси тўғрисидаги қарор;

қарздорнинг йирик битимларини ҳамда амалга оширилишидан қарздор манфаатдор бўлган битимларни тасдиқлаш ёки тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарор.

Кредиторлар қўмитасининг қарори кредиторлар қўмитаси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12-модда. Кредиторлар қўмитасини сайлаш

Кредиторлар қўмитасининг аъзолари кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш амалга ошириладиган давр учун сайланади. Кредиторлар йиғилишининг қарорига биноан кредиторлар қўмитаси барча аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин. Бундай қарор кредиторлар қўмитаси барча аъзоларига нисбанан фақат бир пайтнинг ўзида қабул қилиниши мумкин. Кредиторлар қўмитаси сайлови кредиторлар йиғилишида овоз бериш орқали амалга оширилади.

Энг кўп овоз олган номзодлар кредиторлар қўмитаси таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Кредиторлар қўмитасининг аъзолари ўз таркибидан кредиторлар қўмитасининг раисини сайлаши мумкин.

Агар кредиторлар қўмитаси аъзоси беш кишидан ортиқ бўлса, албатта кредиторлар қўмитасининг раиси сайланади.

13-модда. Манфаатдор шахслар

Қуйидагилар қарздорга нисбатан манфаатдор шахслар деб эътироф этилади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорга нисбатан бош ёки тобе ҳисобланмиш юридик шахс;

қарздорнинг раҳбари, шунингдек кузатувчи кенгаш таркибига кирувчи шахслар, коллегиял ижроия органи, бош бухгалтер (бухгалтер), шу жумладан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш қўзғатилгунга қадар бир йил давомида ўз вазифасидан озод этилган шундай шахслар; юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари).

Ушбу Қонунда жисмоний шахсга нисбатан манфаатдор шахс дейилганда унинг хотини (эри), ота-онаси, бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳамда боласи, невараси, чевараси, эвараси, опа-сингил ва ака-укаларининг боласи, невараси, чевараси, эвараси, хотинининг (эрининг) опа-сингиллари ва ака-укалари тушунилади.

Ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ташқи бошқарувчи, ишончли шахс, кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар ушбу моддада назарда тутилган тартибда белгиланади.

14-модда. Ташқи бошқарувчи, ишончли шахснинг жавобгарлиги

Ушбу Қонунга мувофиқ ташқи бошқарувчи, ишончли шахс зиммасига юкланган мажбуриятларнинг қарздорга ёки кредиторларга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги ташқи бошқарувчини, ишончли шахсни ўз вазифаларини бажаришдан четлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қарздор ва унинг кредиторлари ташқи бошқарувчи-дан ташқи бошқарувчи, ишончли шахснинг қарздорга зарар етказилиши (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарни қопловчи мажбуриятларнинг қарздорга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажарилмаганлиги ташқи бошқарувчини, ишончли шахсни ўз вазифаларини бажаришдан четлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

зилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Бошқа шахсларнинг ишларини бошқариш ва (ёки) мол-мулкини бошқаришга доир фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи чекланган шахслар (дисквалификация қилинган шахслар), шунингдек ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўрсатилган манфаатдор шахслар ташқи бошқарувчи, ишончли шахс бўлиши мумкин эмас.

15-модда. Ташқи бошқарувчига, ишончли шахсга ҳақ тўлаш

Ўз вазифасини бажарганлиги учун ташқи бошқарувчига, ишончли шахсга тўланадиган ойлик ҳақ миқдори кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланади ҳамда хўжалик суди томонидан тасдиқланади.

Ташқи бошқарувчига, ишончли шахсга, шунингдек улар фаолият кўрсата олишини таъминлаш учун жалб этиладиган шахсларга ҳақ, агар кредитор билан келишувда бошқача қонда назарда тутилган бўлмаса, қарздор мол-мулки ҳисобидан тўланади.

16-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи

Мол-мулкининг таркибида давлат мулки улуши бўлган қарздорнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги масала ҳал этилаётганда давлат манфаатларини корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатли орган (бундан буён матнда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи деб юритилди) ҳимоя қилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи:

ушбу Қонунга мувофиқ банкротлик таомилларининг амалга оширилишини таъминлайди;

тўловга қобилиятсиз ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар ҳисобини юритади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларига ёки бошқа мансабдор шахсларга корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этмаганлик ёхуд ўз вақтида тақдим этмаганлик учун жарима солади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

17-м о д д а. Қорхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мажбурияти

Банкротлик аломатлари аниқланган тақдирда солиқ органлари, иқтисодиёт ва статистика органлари банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига мол-мулкида давлат мулки улуши бўлган корхоналар тўғрисида маълумотлар тақдим этишлари, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг сўровига биноан корхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

18-м о д д а. Банкротлик таомиллари

Қарздор-юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриляётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:
келишув битими;
ташқи бошқарув;
тугатишга доир иш юритиш;
банкротликнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таомиллари.

Қарздор-жисмоний шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриляётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:
келишув битими;
тугатишга доир иш юритиш;
банкротликнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таомиллари.

19-м о д д а. Суддан ташқари бажариладиган таомиллар

Суддан ташқари бажариладиган таомиллар судгача санация қилиш ёки ихтиёрий тугатилиш бўлиши мумкин.

20-модда. Судгача санация қилиш асоси

Судгача санация қилиш қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритиш қўзгатилгунга қадар амалга оширилади ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини, иқтисодий жиҳатдан қодирлигини тиклаш ҳамда келгусида самарали фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Банкротликнинг олдини олиш мақсадида қарздорнинг муассислари (қатнашчилари), мол-мулк эгаси банкрот деб эълон қилиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига тақдим этилгунга қадар қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради. Қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қарздор билан тузилган келишувга асосан кредиторлар ёки бошқа шахслар томонидан ҳам кўрилиши мумкин.

21-модда. Судгача санация қилишнинг объекти ва субъектлари

Судгача санация қилишнинг объекти қарздор шахсидир.

Судгача санация қилишнинг субъектлари қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари), қарздорнинг мол-мулки эгаси, давлат органлари ва бошқа шахслар бўлиши мумкин.

22-модда. Судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари

Судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

қарздорликни ўзаро ҳисобга олишни ташкил этиш;
тўлаш муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлиқ ёки қисман сотиб олиш;

ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;

четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;
ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ва фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва

жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрса-тиш;

қарздорнинг фаолиятни давом эттириши учун қарздор билан кредитор (кредиторлар) ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзлардан сийлов бериш тўғрисидаги аҳдлашувга эришишга қаратилган келишув;

мажбурий тўловларни тўлаш ва давлат кредитларини қайтаришни санация муддатига кечиктириш;

қарздор-юримдик шахсни қайта ташкил этиш.

Судгача санация қилиш таомили бошқа чора-тадбирларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Судгача санация қилишни давлат маблағларини жалб этган ҳолда ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган орган амалга оширади.

Судгача санация қилиш чоғида давлат томонидан ёрдам кўрсатиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

23-модда. Судгача санация қилишни ўтказиш муддати

Қарздорни судгача санация қилиш ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади.

24-модда. Судгача санация қилишни бекор қилиш

Судгача санация қилиш уни ўтказишнинг белгиланган муддати тугаганлиги ёки унинг самарасизлиги аниқланганлиги муносабати билан бекор қилиниши мумкин.

III боб. ҚАРЗДОРНИ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА БАНКРОТ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

25-модда. Қарздорни ихтиёрий равишда банкрот деб эълон қилиш асослари ва шартлари

Қарздорнинг банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда қарздор-юримдик шахснинг раҳбари, қарздор-жисмоний шахс кредиторлар ҳамда қарздорнинг мол-мулки эгаси розилиги билан, шунингдек қарздорнинг мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган ҳолларда

эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг рухсати билан қарздорни банкрот деб эълон қилиши ва унинг тугатилишини маълум қилиши мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ёки мазкур қарздорнинг кредиторларидан бирортасининг қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорга рози бўлмаганлиги хўжалик судида банкротлик тўғрисидаги иш юритиш қўзғатилишига олиб келади.

Қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорни қарздорнинг мол-мулки эгаси, қарздор мол-мулкида давлат мулкнинг улуши бўлган ҳолларда эса, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи тасдиқлаган пайтдан бошлаб қарздор тугатилиш жараёнида деб ҳисобланади.

26-модда. Банкрот деб эълон қилиш ҳамда қарздорнинг ихтиёрий равишда тугатилиш тартиби

Ушбу Қонун 25-моддасининг биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этган ҳолда қарздор-юримдик шахснинг раҳбари, қарздор-жисмоний шахс оммавий ахборот воситаларида ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг расмий нашрида қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ёки унинг ихтиёрий равишда тугатилиши ҳақидаги эълонни чоп этади.

Эълонда кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш ҳамда қарздорнинг ихтиёрий равишда тугатилишига қарши кредиторларнинг эътирозларини билдириш муддати кўрсатилади, бу муддат эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

Қарздор-юримдик шахснинг раҳбари, қарздор-жисмоний шахс кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиши, уларни кредиторлар талабларининг реестрига киритиши ҳамда ушбу Қонуннинг VI бобида назарда тутилган тартибда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришиши шарт, ушбу бобнинг хўжалик судларининг тугатишга доир иш юритишдаги фаолиятини тартибга солиб турувчи қондалари бундан мустасно.

Қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганда ишончли шахснинг мажбуриятларини қарздорнинг мол-мулки эгаси (эгалари) томонидан тайинланадиган тугатиш комиссиясининг раиси (тугатувчи) бажаради.

27-модда. Қарздорнинг тугатилишига қарши кредиторлар томонидан эътироз билдирилиши

Қарздорнинг ихтиёрий равишда тугатилишига қарши ақалли битта кредиторнинг ёзма эътирози мавжуд бўлган тақдирда ҳам қарздор-юримдик шахснинг раҳбари, қарздор-жисмоний шахс кредиторлар талабларини ҳамда қарздорнинг ихтиёрий равишда тугатилишига қарши кредиторлар эътирозларини билдириш муддати тугаган пайтдан бошлаб икки ҳафталик муддат ичида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиши шарт.

Кредиторларнинг ҳар бири қарздорнинг ихтиёрий равишда тугатилиши якунлангунга қадар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиши мумкин.

Хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда тугатиш жараёни тўхтатилиши керак.

28-модда. Ихтиёрий равишда тугатиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

Ушбу Қонуннинг 25—27-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолларда, қарздор ўз мол-мулкини яширганда, учинчи шахсларга ноқонуний тарзда ўтказганда қарздор-юримдик шахснинг раҳбари, қарздор-жисмоний шахс, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари), қарздорнинг мол-мулки эгаси қондирилмаган талаблар миқдорида кредиторлар олдида жавобгар бўладилар. Бундай талаблар қарздор тугатилган пайтдан бошлаб уч йил давомида тақдим этилиши мумкин.

IV боб. БАНКРОТЛИК Тўғрисидаги ишларни хўжалик судида кўриш

29-модда. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қўзғатиш асослари

Банкротлик тўғрисидаги иш юритиш ушбу Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг аризаси асосида хўжалик суди томонидан қўзғатилади.

Қарздорнинг аризаси хўжалик судига ёзма равишда берилади ва тегишинча қарздор-юридик шахснинг раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахс ёхуд қарздор-жисмоний шахс томонидан имзоланади.

Қарздорнинг аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларининг қарздор томонидан эътироз билдирилмаётган миқдордаги суммаси;

қарздорнинг ходимларига тўланиши керак бўлган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш, меҳнатига ҳақ тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича қарз суммаси;

муаллифлик шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган ҳақ суммаси;

мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик миқдори;

кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондириш имконияти йўқлигининг асослари;

умумий судлар, хўжалик судлари, кўриш учун қабул қилган қарздорга нисбатан даъво аризалари тўғрисидаги, шунингдек сўзсиз (акцептсиз) ҳисобдан чиқариш учун тақдим этилган ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

қарздордаги бор мол-мулк, шу жумладан дебиторлик қарзининг пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорнинг банкдаги ҳисобварағи рақамлари, банкнинг почта манзили;

банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд харажатларини тўлаш учун етарли мол-мулк борлиги тўғрисидаги маълумотлар;

илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Қарздорнинг аризасида банкротлик тўғрисидаги ишни тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар, шунингдек қарздорда илтимосномалар бўлса, улар ҳам кўрсатилади.

Қарздор-жисмоний шахснинг аризасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган унинг мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади.

Кредиторларга ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга қарздор ўз аризасидан нусхалар юбориши шарт.

31-м о д д а. Қарздорнинг аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қуйидагилар ҳам илова қилинади:

қарз борлигини, шунингдек кредиторларнинг талабини қарздор тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

қарздорнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Қарздорнинг аризасига қуйидагилар ҳам илова қилинади:

кредиторлик ва дебиторлик қарзларини изоҳлаган ҳамда кредиторлар ва аризачининг қарздорлари почта манзилини кўрсатган ҳолда тузилган кредиторлар ва аризачи қарздорларининг рўйхати;

сўнгги ҳисобот санасигача бўлган даврга тааллуқли бухгалтерлик баланси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар;

қарздор-жисмоний шахснинг мол-мулки таркиби ва қиймати тўғрисидаги ҳужжатлар;

қарздорнинг мол-мулки эгаси ёки қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарори;

агар йиғилиш қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилгунга қадар ўтказилган бўлса, банкротлик тўғрисидаги ишни кўришда иштирок этиш учун қарздорнинг ходимлари вакили сайланган йиғилиш баённомаси.

32-м о д д а. Кредиторнинг аризаси

Кредиторнинг аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади. Кредитор-юрidik шахснинг аризаси унинг раҳбари ёки вакили томонидан, кредитор-жисмоний шахснинг аризаси эса шу жисмоний шахснинг ўзи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Кредиторнинг аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

аризачининг номи (фамилияси, исм-шарифи) ва унинг почта манзили;

қарздорнинг номи (фамилияси, исм-шарифи) ва унинг почта манзили;

тўланиши керак бўлган фоизлар ва неустойкалар (жарималар, пенялар) миқдори кўрсатилган ҳолда қарздорга аризачи қўяётган талабларнинг миқдори;

қарздорнинг талаб келиб чиқишига сабаб бўлган кредитор олдидаги пул мажбурияти, шунингдек уни ба-жариш муддати;

кредитор талабларининг асослилигини тасдиқловчи далиллар, шу жумладан суднинг қонуний кучга кирган қарори, кўрсатилган талаблар қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар, нотариуснинг иж-ро хати;

илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Кредиторнинг аризасида банкротлик тўғрисидаги иш-ни тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумот-лар ҳам кўрсатилади, шунингдек кредиторда илтимосно-малар бўлса, улар ҳам акс этирилиши мумкин.

Кредитор аризанинг нусхасини қарздорга юбориши шарт.

33-м о д д а. Кредиторлар талабларини бирлаштириш

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредитор-нинг аризаси турли мажбуриятлар бўйича бирлашти-рилган қарздорликка асосланган бўлиши мумкин.

Кредиторлар қарздорга нисбатан ўз талабларини бирлаштиришга ҳамда судга битта ариза билан мурожа-ат этишга ҳақлидирлар. Бундай ариза ўз талабларини бирлаштирган кредиторлар томонидан имзоланади.

34-м о д д а. Кредиторнинг аризасига илова қилина-диган ҳужжатлар

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғри-сидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Хужа-лик процессуал кодексига назарда тутилган ҳужжатлар-дан ташқари қуйидагилар ҳам илова қилинади:

қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятла-ри, шунингдек бу мажбуриятлар бўйича қарз мавжудли-гини ва унинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кредиторнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Кредиторнинг вакили томонидан имзоланган аризага аризани имзолаган шахснинг ариза беришга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома ҳам илова қилинади.

Кредиторнинг аризасига, агар бор бўлса, қуйидагилар ҳам илова қилинади:

кредиторнинг қарздорга нисбатан талабларини кўрган умумий суд ёки хўжалик судининг қарори;

ижро ҳужжати (ижро варақаси, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари, нотариуснинг ижро хати ва бошқалар) ёки кредиторнинг талаблари қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар.

35-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси

Мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни қўзғатиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан ёзма шаклда/ ушбу қарздор-субъектнинг иқтисодий ночорлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар илова этилган ҳолда берилади.

36-модда. Солиқ органининг ва бошқа ваколатли органларнинг аризаси

Солиқ органи ва бошқа ваколатли органлар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига берадиган ариза кредиторнинг аризаси учун назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак.

Солиқ органи ва бошқа ваколатли органларнинг қарздор-юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловлар бўйича қарзни олишга доир чора-тадбирлар кўрилганлиги далиллари илова қилиниши керак.

37-модда. Прокурорнинг аризаси

Прокурор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига қуйидаги ҳолларда мурожаат этишга ҳақлидир:

у банкротлик яширилган ҳолатларни аниқлаганда; мажбурий тўловлар бўйича қарздорнинг қарзи бўлганда ёки айланма маблағлари қайтарилмай бошқа мақсадларга ишлатилганда;

Ўзбекистон Республикаси олдидаги пул мажбуриятлари бўйича кредитор манфаатларини кўзлаб;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Прокурорнинг аризаси хўжалик судига, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Қонунда кредиторнинг аризасига нисбатан назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда берилади.

38-м о д д а. Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ кредиторларнинг талабларини қондириш чора-тадбирларини кўришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига назарда тутилган чора-тадбирлардан ташқари хўжалик суди ташқи бошқарувчи, ишончли шахс розилигисиз битимларни амалга оширишни тақиқлаб қўйиши, қарздорга қимматли қоғозларни, валюта қимматликларини ва бошқа мол-мулкни учинчи шахсларга сақлаш учун топширишни юклаши ҳамда қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлашга қаратилган бошқа чора-тадбирларни кўриши мумкин.

Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар тегишинча ташқи бошқарув жорий этилгунга ва ташқи бошқарувчи тайинлангунга қадар ёки хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида, тугатишга доир иш юритишни бошлаш ва ишончли шахс тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар ёки хўжалик суди томонидан келишув битими тасдиқлангунга қадар ёхуд хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилингунга қадар амал қилади.

Хўжалик суди ушбу модда учинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар юзага келгунга қадар кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирларни бекор қилишга ҳақлидир.

39-м о д д а. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан қарздор томонидан билдирилган ёзма фикр

Кредитор, прокурор, солиқ органи ёки бошқа ваколатли органнинг аризаси қабул қилинганлиги тўғрисидаги ажримни олган кундан эътиборан қарздор беш кунлик муддат ичида хўжалик судига, аризачига, ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга ариза юзасидан ёзма фикрини йўлаши, шунингдек аризада кўрсатилмаган барча кредиторларни ўзига нисбатан уни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш юритиш қўзғатилганлигидан хабардор қилиши шарт. Қарздорнинг хўжалик судига юборилаётган ёзма фикрига ариза юзасидан билдирилаётган ёзма фикрнинг нусхаси, кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар аризачига ҳамда ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига назарда тутилган маълумотлардан ташқари қуйидагилар ҳам қарздорнинг ёзма фикрида кўрсатилади:

аризачининг талабига қарши қарздордаги мавжуд эътирозлар;

пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар олдидаги, қарздорнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича, мажбурий тўловлар бўйича қарзнинг умумий суммаси;

қарздордаги бор мол-мулк, шу жумладан унинг банк ҳисобварағида турган пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар, банкдаги ҳисобварақларининг тартиб рақамлари ва банкнинг почта манзили;

аризачининг қарздор тан олган талабларини қондириш далиллари.

Қарздорнинг ёзма фикри йўқлиги банкротлик тўғрисидаги иш кўрилишига монелик қилмайди.

40-м о д д а. Банкротлик тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш

Банкротлик тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш судья томонидан, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишни судда кўришга тай-

ёрлаш пайтида, шунингдек банкротлик тўғрисидаги иш кўрилатганида хўжалик суди ишда иштирок этаётган шахснинг илтимосномасига биноан қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш учун экспертиза тайинлашга ҳақлидир.

41-модда. Қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ёки кредиторларнинг талабларини рад этиш тўғрисидаги қарор

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ушбу Қонуннинг 3-моддасида назарда тутилган банкротлик аломатлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади. Қарздор-юримдик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги хўжалик судининг қарорида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги кўрсатма акс эттирилиши лозим.

Хўжалик судининг қарздор-жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорида қарздорнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлиги ўз кучини йўқотганлиги кўрсатилади.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори, агар хўжалик суди томонидан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, дарҳол ижро этилиши керак.

Кредиторларнинг қарздорга нисбатан тақдим этган талаблари рад этилган тақдирда хўжалик суди маънавий зиён ва моддий зарар компенсацияси миқдорини белгилашга ҳамда уни қарздорнинг фойдасига ундириб олишга ҳақли.

42-модда. Қарздор банкрот деб топилганлиги тўғрисидаги хабарнинг хўжалик суди томонидан эълон қилиниши

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги хабар қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилган хўжалик суди томонидан ўн кунлик муддат ичида расмий нашрда эълон қилинади.

Эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:
банкрот деб топилган қарздорнинг номи ва бошқа
реквизитлари;

қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни юрита-
ётган хўжалик судининг номи;

хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш
ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида-
ги қарори қабул қилинган сана;

кредиторларнинг талаблари билдирилиши учун бел-
гиланган муддат, бу муддат эълон берилган санадан
эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги керак;
ишончли шахс тўғрисидаги маълумотлар.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш
тўғрисидаги қарори бекор қилинганлиги ҳақидаги ха-
бар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган
тартибда эълон қилинади.

**43-м о д д а. Хўжалик судининг қарздорни банкрот
деб топишни рад этиш тўғрисидаги қа-
рори**

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни
рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул
қилинади:

банкротлик аломатлари аниқланмаганда;
хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш бўйича
қарор қабул қилгунга қадар кредиторларнинг арз қил-
ган талаблари қаноатлантирилганда;
сохта банкротлик аниқланганда;
ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Қарздорда етарли миқдорда ликвид мол-мулк бор-
лигидан шохидлик берувчи далиллар бўлган тақдирда
хўжалик суди қарздорнинг илтимосномасига биноан
банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолди-
ришга, қарздорга кредиторларнинг талабларини суд то-
монидан белгиланган муддатда қондиришни таклиф
этишга ҳақли, бу муддат ўттиз кундан ошмаслиги ке-
рак.

**44-м о д д а. Қарздорни банкрот деб топишни рад
этиш тўғрисида қарор қабул қилиш
оқибатлари**

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб
топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши

қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризанинг қабул қилиниши оқибати бўлган ҳаракатларнинг тугатилиши учун асос бўлади.

45-м о д д а. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асослари

Қарздорнинг тўлов қобилияти тикланган ёки келишув битими тузилган ҳолларда хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатади.

46-м о д д а. Мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишнинг хусусиятлари

Қарздорнинг мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган тақдирда хўжалик суди иш юритиш қўзғатилганлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини белгиланган муддатда хабардор қилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи хабарни олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида хўжалик судига санацияни ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги ўз қарорини маълум қилади.

Кредиторлар санация қилишга рози бўлган тақдирда банкротлик тўғрисидаги иш тугатилади.

Кредиторлар санация қилишга рози бўлмаган тақдирда ишни кўриш қайта тикланади.

V б о б. ТАШҚИ БОШҚАРУВ

47-м о д д а. Ташқи бошқарувни жорий этиш тартиби

Ташқи бошқарув хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори, қарздорнинг мол-мулки эгаси ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида жорий этилади, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хўжалик судининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак ҳамда унинг устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ташқи бошқарув, агар ушбу Қонунда бошқача қои-

да назарда тутилган бўлмаса, ўн икки ойдан йиғирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади.

Кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарорига ёки ташқи бошқарувчининг аризасига биноан ташқи бошқарув учун белгиланган муддат ҳужалик суди томонидан ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатлар доирасида қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин.

48-м о д д а. Ташқи бошқарувни жорий этиш оқибатлари

Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан: қарздорнинг раҳбари ўз вазифаларини бажаришдан четлаштирилади, қарздорнинг ишларини бошқариш ташқи бошқарувчи зиммасига юкланади;

қарздорнинг бошқарув органлари ваколатлари бекор қилинади. Қарздорнинг раҳбари ва қарздорнинг бошқа бошқарув органлари ваколатлари ташқи бошқарувчига ўтади, ушбу Қонунга мувофиқ бошқа шахсларга (органларга) ўтадиган ваколатлар бундан мустасно. Қарздорнинг бошқарув органлари ташқи бошқарувчи тайинланган пайтдан эътиборан уч кунлик муддат ичида юридик шахснинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматли ашёлари ташқи бошқарувчига топширилишини таъминлаши шарт;

кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қўрилган чора-тадбирлар бекор қилинади;

қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан қарздорга нисбатан барча чеклашлар фақат банкротлик жараёни доирасида қўлланилиши мумкин;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, пул мажбуриятлари ва қарздорнинг мажбурий тўловлари бўйича кредиторлар талаблари қондирилишига нисбатан мораторий жорий этилади.

Ташқи бошқарув тугаганидан кейин қарздор пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича кредиторларга тўлаши шарт бўлган неустойкалар (жарималар, пенялар), шунингдек етказилган зарар суммаларини ташқи бошқарувни жорий этиш пайтидаги миқдорларда тўлаш талаб қилиниши мумкин.

49-модда. Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий жорий этиш

Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар бажарилиш муддати келган пул мажбуриятларига ва мажбурий тўловларга татбиқ этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар юзасидан мораторийнинг амал қилиш муддати мобайнида:

ундирув сўзсиз (акцептсиз) тарзда содир этиладиган ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар бўйича ундирувни амалга оширишга йўл қўйилмайди;

пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун, шунингдек тўланиши лозим бўлган фонизлар учун неустойкалар (жарималар, пенялар) ва бошқа молиявий (иқтисодий) санкциялар қўлланилмайди.

Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдаги пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича кредиторлар талабларининг суммасига қонуи ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва миқдорда фонизлар ҳисоблаб қўшилади.

Ташқи бошқарувчи шартномани бажаришдан ушбу Қонуннинг 56-моддасига мувофиқ бош торгганлиги натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги кредиторларнинг талабларига ҳам мораторий татбиқ этилади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қондалар бажарилиш муддати ташқи бошқарув жорий этилганидан кейин келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларга нисбатан қўлланилмайди.

Мораторийнинг амал қилиши фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, алиментлар ундириш ҳамда муаллифлик шартномалари асосида ҳақ тўлаш бўйича талабларига, шунингдек ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонуи ҳужжатларида белгиланган тартибда қарздор жавобгар бўлган фуқароларнинг талабларига татбиқ этилмайди.

50-модда. Ташқи бошқарувчи номзодини тақдим этиш тартиби

Ташқи бошқарувчининг номзоди ташқи бошқарувни

жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторлар йиғилиши томонидан маъқулланади.

Ташқи бошқарувчининг номзоди кредиторлар йиғилишига кредиторларнинг ҳар бири томонидан, солиқ органи ёки бошқа ваколатли орган, қарздор ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси томонидан таклиф этилиши мумкин.

Кредиторлар йиғилиши томонидан қарор қабул қилишнинг ушбу Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган тартибига мувофиқ кредиторлар овозини энг кўп олган шахснинг номзоди хўжалик судига таклиф этилади.

Ташқи бошқарув хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори бўлмаган ҳолда жорий этилаётган бўлса, хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчи номзодини кўриб чиқиш, маъқуллаш ва уни хўжалик судига тақдим этишга ҳақлидир.

Ташқи бошқарувчининг номзоди тақдим этилмаган тақдирда, хўжалик суди ташқи бошқарувчини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан тайинлайди.

51-модда. Ташқи бошқарувчини тайинлаш

Ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинланади.

Ташқи бошқарувчини ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинлашнинг имкони бўлмаса, хўжалик суди ташқи бошқарувчини ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддат ичида тайинлайди.

Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилиши керак ва унинг устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

52-модда. Ташқи бошқарувчини ваколатларидан озод этиш

Ташқи бошқарувчини ваколатларидан хўжалик суди қуйидаги ҳолларда озод этиши мумкин:

зиммасига юкланган вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторлар йиғилишининг қарори асосида. Бундай ҳолда кредиторлар йиғилишининг қарорида янги ташқи бошқарувчи номзоди тўғрисида маълумотлар бўлиши керак;

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарори асосида;

унинг ўз аризасига биноан;

унинг ташқи бошқарувчи этиб тайинланишига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланган тақдирда;

ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ташқи бошқарувчини ваколатларидан озод этиш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилиши керак ва унинг устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

53-модда. Ташқи бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ташқи бошқарувчи раҳбар ваколатларини амалга оширади.

Ташқи бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

кредиторлар йиғилишини ҳамда кредиторлар қўмитасини чақириш;

ушбу Қонунда назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда қарздорнинг мол-мулкани тасарруф этиш;

қарздор номидан келишув битими тузиш;

ушбу Қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда ҳақ олиш;

агар ушбу Қонунда ёки кредиторлар билан келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ўз вазифаларини амалга оширишни таъминлаш учун бошқа шахсларни уларнинг фаолиятига қарздор маблағларидан ҳақ тўлаган ҳолда шартнома асосида ишга жалб этиш;

ўз мажбуриятларини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза тақдим этиш;

ушбу Қонуннинг 56-моддасида белгиланган тартибда қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош торганлигини билдириш.

Ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида ташқи бошқарувчи қарздорни банкротликка олиб борганлиги

муносабати билан унинг пул мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлган учинчи шахсларга нисбатан талаблар қўйишга ҳақлидир.

Ташқи бошқарувчи:

қарздорнинг мол-мулкнинг ўз тасарруфига қабул қилиши ва уни инвентаризация қилиши;

қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкнинг қидиришига, аниқлашига ва қайтариб олишга қаратилган чора-тадбирлар кўриши;

ташқи бошқарувни юритиш ҳамда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун махсус ҳисобварақ очиши;

ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиши ва уни тасдиқ учун кредиторлар йиғилишига (қўмитасига) тақдим этиши;

бухгалтерлик, статистика ҳисобини ва ҳисоботини юритиши;

қарздорга кредиторлар қўйган талаблар юзасидан белгиланган тартибда эътирозлар билдириши;

қарздорнинг қарзини ундириш бўйича чора-тадбирлар кўриши;

кредиторлар талабларининг реестрини юритиши;

ташқи бошқарув режасини амалга ошириш якунлари бўйича кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим этиши; ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириши шарт.

Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш чоғида ташқи бошқарувчи қарздор ҳамда унинг кредиторлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилиши шарт.

54-м о д д а. Кредиторларнинг талаблари

Кредиторлар қарздорга нисбатан ўз талабларини ташқи бошқарув амал қилаётган муддатнинг исталган вақтида тақдим этишга ҳақлидир. Мазкур талаблар ташқи бошқарувчига қарздорнинг почта манзили бўйича юборилади. Кредиторларнинг ушбу модда тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланган деб эътироф этиладиган талаблари бу талабларни белгиланган деб билиш имконини берувчи ҳужжатлар илова этилган ҳолда ташқи бошқарувчига юборилади.

Ташқи бошқарувчи кредиторларнинг тақдим этилган талабларини кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш на-

тижалари бўйича тегишли талаб олинганидан кейин узоғи билан икки ҳафта ичида кредиторлар талабларининг реестрига тегишли ёзув киритади. Қўриб чиқиш натижаларини ташқи бошқарувчи тегишли кредиторга кредитор талаби олинган пайтдан эътиборан узоғи билан бир ойлик муддат ичида маълум қилади.

Ташқи бошқарувчининг кредиторлар талабларини кўриб чиқиши натижалари юзасидан эътирозлар бу эътирозлар олинган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида кредитор томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўраётган хўжалик судига билдирилиши мумкин.

Кредиторларнинг ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган муддатда эътирозлар билдирилмаган талаблари қондирилиш миқдори, таркиби ва навбати ташқи бошқарувчи томонидан аниқланадиган белгиланган талаблар деб ҳисобланади.

55-м о д д а. Қарздорнинг мол-мулкани тасарруф этиш

Қарздорнинг мол-мулки эгаси ёки таъсис ҳужжатларида ваколат берилган органлар қарздорнинг мол-мулкани тасарруф этиш бўйича қарор қабул қилишга ёки ташқи бошқарувчининг ваколатларини бошқача тарзда чеклашга ҳақли эмас, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар ушбу Қонунда ёки ташқи бошқарув режасида бошқача қонда назарда тутилган бўлмаса, йирик битимлар ва манфаатдорлик назарда тутилган битимлар ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилишининг (қўмитасининг) розилиги билан амалга оширилади.

Йирик битимлар жумласига баланс қиймати қарздорнинг кўчмас мол-мулкани ёки битим тузиш пайтидаги активлари баланс қийматининг 10 фоизидан кўпроғини ташкил этувчи бошқа мол-мулкани тасарруф этишга олиб келувчи битимлар киради.

Ташқи бошқарувчига ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахслар тараф бўлган битимлар манфаатдорлик назарда тутилган битимлар деб эътироф этилади.

56-м о д д а. Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш

Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув жорий этилган

пайтдан эътиборан уч ойлик муддат ичида қарздорнинг ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар тузилган шартномаларини бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш фақат барча тарафлар томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномаларга нисбатан, қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда билдирилиши мумкин:

қарздорнинг шартномасини бажариш ўхшаш ҳолатларда тузиладиган айти шундай шартномаларга солиштирилганда қарздор учун зарар келтирадиган бўлса;

шартнома узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга тузилган) ёки фақат узоқ истиқболда қарздор учун ижобий натижалар олишга мўлжалланган бўлса;

қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга монелик қилувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Қарздорнинг контрагенти қарздордан шартномаларини бажаришдан бош тортганлик оқибатида келиб чиққан реал зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

57-модда. Қарздор тузган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги

Қарздор тузган битим, шу жумладан қарздор томонидан ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар тузилган битим қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

Қарздор билан манфаатдор шахс ўртасида тузилган битим, агар мазкур битимнинг бажарилиши натижасида кредиторларга зарар етказилган ёки етказилмаган бўлса, ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганидан кейин қарздор билан муайян кредитор ёки ўзга шахс ўртасида тузилган битим, агар мазкур битим қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича айрим кредиторларнинг талабларини бошқалариникига нисбатан афзалроқ қондирилишига олиб келса, ташқи бошқарувчининг ёки кредиторнинг аризасига биноан ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритиш қўзғатилгандан кейин ёки қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза беришдан олдин, қарздорнинг иштирокчиси қарздорнинг иштирокчилари таркибидан чиққанлиги муносабати билан унга мол-мулкдаги улушини тўлаш (ажратиб бериш) билан боғлиқ бўлган олти ойлик муддат ичида қарздор-юримдик шахс томонидан тузилган битим ташқи бошқарувчининг ёки кредиторнинг аризасига биноан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, шундай битим бўйича олинган барча нарсалар қарздорга қайтарилади. Бундай ҳолда ушбу Кодекснинг 83-моддасига мувофиқ иштирокчи олтинчи навбатдаги кредитор деб эътироф этилади.

58-модда. Қарздорнинг ташқи бошқарув чоғида юзага келган пул мажбуриятлари

Қарздорнинг ташқи бошқарув жорий этилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятлари миқдори кредиторлар талабларининг реестрига мувофиқ кредиторлар талаблари суммасининг 20 фоиздан ортиқроқни ташкил этган ҳолларда қарздорнинг янги пул мажбуриятларини келтириб чиқарувчи битимлар, ташқи бошқарув режасида назарда тутилган битимларни истисно этганда, ташқи бошқарувчи томонидан фақат қарздорнинг мол-мулки эгаси ва кредиторлар йиғилишининг (қўмитасининг) розилиги бўлганда тузилиши мумкин.

59-модда. Қарздорнинг харажатларини тартибга солиш

Қарздорнинг истеъмолга, шу жумладан қарздор ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланадиган харажатларининг кўпайишига олиб келувчи қарорлар ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилишининг (қўмитасининг) розилиги билангина қабул қилиниши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

60-модда. Ташқи бошқарув режаси

Ташқи бошқарувчи бу ишга тайинланганидан кейин бир ойлик муддат ичида ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб, тасдиқ учун қарздорнинг мол-мулки эгасига

ва кредиторлар йиғилишига (қўмитасига) тақдим этиши керак.

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари назарда тутилиши керак.

Қарздорнинг тўлов қобилияти ушбу Қонуннинг 3-моддасида белгиланган банкротлик аломатлари бўлмаган тақдирда тикланган деб эътироф этилади. Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш муддати назарда тутилиши керак.

Ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишининг (қўмитасининг) талабига биноан ташқи бошқарувнинг бориши ҳақида кредиторлар олдида ҳисобот беради.

61-модда. Ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш

Ташқи бошқарув режаси кредиторларнинг йиғилиши (қўмитаси) томонидан кўриб чиқилади, йиғилиш ташқи бошқарувчи томонидан ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан икки ойдан кечиктирмай чақирилади. Ташқи бошқарувчи барча кредиторларга кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана ва жойни ёзма равишда хабар қилади ҳамда мазкур йиғилиш ўтказиладиган кундан камида бир ҳафта олдин уларга ташқи бошқарув режаси билан танишиб чиқиш имкониятини беради.

Кредиторлар йиғилишининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчилари қарзни ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлардир.

Кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи ҳамда қарздорнинг ходимлари вакили овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ташқи бошқарув режаси йиғилишда иштирок этаётган кредиторларнинг ярмидан кўпроқ овозини олган бўлса, тасдиқланган деб ҳисобланади.

Кредиторлар йиғилиши қуйидагилардан бирини қабул қилишга ҳақли:

ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор;

ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда ташқи

бошқарувчини четлаштириб айна бир пайтнинг ўзида янги ташқи бошқарувчининг номзодини тасдиқлаш ҳамда тегишли илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарор. Ушбу қарор ташқи бошқарувнинг янги режасини кўриб чиқиш учун кредиторларнинг навбатдаги йиғилиши чақириладиган муддатни назарда тутган бўлиши ва бу муддат кредиторлар йиғилиши ушбу қарорни чиқарган кундан эътиборан бир ойдан ошиб кетмаслиги керак.

Кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) томонидан тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ва кредиторлар йиғилишининг (қўмитасининг) баённомаси кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) ўтказилган кундан сўнг беш кундан кечиктирмай ташқи бошқарувчи томонидан хўжалик судига тақдим этилади.

62-м о д д а. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш

Кредиторларнинг йиғилиши ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилган бўлса ва унда назарда тутилган ташқи бошқарув муддати белгиланган дастлабки муддатдан ортиқ бўлса, агар ташқи бошқарув муддатини узайтириш ёки ташқи бошқарувнинг тасдиқланган режасини амалга ошириш қарздорнинг тўлов қобилияти тикланишига олиб келади дейиш учун етарли асослар бўлса, хўжалик суди ташқи бошқарув муддатини узайтиради. Бундай ҳолда умумий муддат йигирма тўрт ойдан ошиб кетмаслиги лозим.

63-м о д д а. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш учун қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши мумкин:

ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;

норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш;

дебиторлик қарзларини ундириш;

қарздор мол-мулкнинг бир қисмини сотиш;

қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш;

қарздор мажбуриятларининг учинчи шахслар томонидан бажарилиши;

қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг бошқа усуллари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чора-тадбирлардан ташқари банкротлик тўғрисидаги

ишлар бўйича давлат органининг тақдимномасига биноан хўжалик суди мол-мулкида давлат мулкисининг улуши бўлган қарздорнинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

64-модда. Қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкий мажмуа сифатида сотиш

Кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида ташқи бошқарув режасида қарздорнинг корхонасини (бизнесини) сотиш назарда тутилиши мумкин.

Қарздорнинг корхонаси (бизнеси) сотилаётганида қарздорнинг тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган барча турдаги мол-мулки, шу жумладан ер участкалари, иморатлари, бинолари, ускуналари, инвентари, хом ашёси, маҳсулоти, талаб қилиш ҳуқуқи, шунингдек қарздорнинг, унинг товарлари, иши ва хизматининг ўзига хослигини кўрсатувчи воситалари (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари), қарздорга тегишли бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлари унинг тасарруфидан чиқарилади, ўзга шахсларга ўтказилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Ушбу моддага мувофиқ қарздорнинг корхонаси (бизнеси) сотилаётганида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик суди томонидан қилинган санагача бўлган қарздорнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари корхона (бизнес) таркибига киритилмайди.

Корхона (бизнеси) сотилаётганда корхона (бизнес) сотилаётганда айланиб турган барча меҳнат шартномалари ўз кучини сақлаб қолади; иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари корхона (бизнеси) сотиб олувчи ихтиёрига ўтади.

Корхона (бизнеси) сотишдан келган тушум суммаси қардор мол-мулкисининг таркибига киритилади.

Корхона (бизнеси) сотиш, агар ташқи бошқарув режасида бошқача қонда назарда тутилган бўлмаса, очиқ ким ошди савдоси ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ташқи бошқарувчи ким ошди савдосини ташкил этувчи сифатида иш кўради ёки ушбу мақсад учун ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этиб, унинг хизматида қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўлайди.

Ташқи бошқарувчи корхона (бизнес) очиқ ким ошди савдосида сотилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрларда, ким ошди савдоси ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин эълон қилиши шарт. Эълонда савдо объекти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда савдо объекти билан танишиш тартиби, корхонани (бизнесни) сотиб олиш учун ариза беришнинг эълон чиққан кундан эътиборан икки ҳафтадан кам ва бир ойдан ортиқ бўлиши ҳақиқий ҳисобланмайдиган муддат чегараси ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Агар эълонда кўрсатилган муддат давомида бир қатнашчидан ариза тушган бўлса, корхонани (бизнесни) сотиш бўйича ким ошди савдоси ўтказилмайди. Кредиторлар йигилишининг (қўмитасининг) розилиги бўлган тақдирда корхона (бизнес) ким ошди савдоси ўтказилмаган ҳолда сотилиши мумкин.

Ким ошди савдоси аукцион шаклида ўтказилади, ушбу Қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Ким ошди савдоси танлов асосида ўтказилган тақдирда эса, танлов шартлари кредиторлар йигилиши (қўмитаси) томонидан маъқулланиши лозим.

Аукцион ғолиби бўлган шахс ҳамда ким ошди савдоси ташкилотчиси аукцион ўтказилган куни баённома имзолайдилар, бу баённома шартнома кучига эга бўлади.

Агар ким ошди савдоси танлов шаклида ўтказилган бўлса, танлов ғолиби ва ким ошди савдоси ташкилотчиси танлов ўтказилган куни имзолаган баённома асосида, ушбу санадан эътиборан йилнинг кундан кечиктирмай шартнома имзоланади.

Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс ва ким ошди савдоси ташкилотчиси аукцион ёки танлов ўтказилган куни ким ошди савдоси натижалари тўғрисида шартнома кучига эга бўлган баённомани имзолайдилар. Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда тўлаган закатидан маҳрум бўлади.

Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахснинг баённомани ёки шартномани имзолашдан бош тортганлиги муносабати билан мазкур шахс маҳрум бўлган закат суммаси ким ошди савдоси ташкилотчисининг ушбу тadbирни ўтказишга кетган чиқимлари чегириб ташланган ҳолда қарздор мол-мулкининг таркибига киритилади.

Қорхонани (бизнесни) сотишдан келган тушум суммаси ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қарздор тўла ҳажмда қондириш имкониятига эга бўлган ҳолларда ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши лозим.

Агар қорхонани (бизнесни) сотишдан келган тушум суммаси кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга етарли бўлмаса, ташқи бошқарувчи кредиторларга келишув битими тузишни таклиф этади.

Қорхонани (бизнесни) мулкӣ мажмуа сифатида сотишдан келган тушум суммаси тугатиш массасини ташкил этади ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилган навбат тартибида тақсимланиши керак.

65-м о д д а. Қарздор мол-мулкнинг бир қисмини сотиш

Қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин ташқи бошқарувчи, агар ташқи бошқарув режасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкни очиқ ким ошди савдосида сотишга киришишга ҳақли.

Ким ошди савдоси аукцион шаклида ўтказилади, ушбу модданинг учинчи ва тўққизинчи қисмларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Муомала қобилияти чекланган мол-мулк фақат ёпиқ ким ошди савдосида сотилиши мумкин. Ёпиқ ким ошди савдосида қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк ҳуқуқида ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларда мазкур мол-мулкка эга бўла оладиган шахслар иштирок этадилар.

Ташқи бошқарувчи ким ошди савдоси ташкилотчиси сифатида иш кўриши ёки ким ошди савдосини ўтказишни ихтисослаштирилган ташкилотга шартнома асосида топшириши мумкин. Ким ошди савдосини ўтказаётган ихтисослаштирилган ташкилот қарздорга ва ташқи бошқарувчига нисбатан манфаатдор шахс бўлиши мумкин эмас.

Ким ошди савдосига қўйилган мол-мулкнинг бошланғич баҳоси ташқи бошқарувчи томонидан белгиланади ва у баланс (қолдиқ) қийматидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ким ошди савдоси ғолиби сотиш нархини танлов якунлари бўйича тузилган баённома ёки олди-сотди

шартномасида назарда тутилган муддатда, лекин ким ошди савдоси ўтказилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай тўлаши шарт.

Қарздорнинг биринчи ким ошди савдосида сотилмай қолган мол-мулки такрорий ким ошди савдосига қўйилади.

Қарздорнинг такрорий ким ошди савдосида сотилмай қолган мол-мулки ким ошди савдоси ўтказмай тузилган олди-сотди шартномаси асосида ташқи бошқарувчи томонидан реализация қилиниши мумкин.

66-м о д д а. Қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш

Қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилишининг (қўмитасининг) розилиги билан талаб қилиш ҳуқуқларини очиқ ким ошди савдосида сотиш орқали амалга оширилиши мумкин.

67-м о д д а. Қарздор пул мажбуриятларининг қарздорнинг мол-мулки эгаси ёки учинчи шахс томонидан бажарилиши

Қарздорнинг мол-мулки эгаси ташқи бошқарув тугагунга қадар исталган вақтда кредиторлар талабларининг реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қондиришга ҳақлидир.

Қарздорнинг пул мажбуриятлари учинчи шахс (учинчи шахслар) томонидан бажарилишига, бундай бажариш кредиторлар талабларининг реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қоплаган тақдирда, йўл қўйилади.

68-м о д д а. Ташқи бошқарув якунлари бўйича ташқи бошқарувчининг ҳисоботи

Ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугашидан камида ўн беш кун олдин, шунингдек ташқи бошқарувни муддатидан илгари тугатиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим этиши шарт.

Ҳисоботда қуйидагилар бўлиши керак:
қарздорнинг сўнгги ҳисобот даври учун баланси;

қарздор фойда ва зарарларининг ҳисоби;

қарздорнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга қаратилиши мумкин бўлган эркин пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумот;

қарздорнинг қолган дебиторлик қарзи тафсилоти ҳамда қарздорнинг амалга оширилмай қолган талаб қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумот;

қарздорнинг қолган кредиторлик қарзини тўлаш имконияти тўғрисидаги бошқа маълумотлар.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботига кредиторлар талабларининг реестри илова қилинган бўлиши керак.

Ташқи бошқарувчи ҳисоботни тақдим этиш билан бир вақтда кредиторлар йиғилишига қўйидаги таклифлардан бирини киритади:

қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги таклиф;

келишув битими тузиш тўғрисидаги таклиф;

ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф;

ташқи бошқарувни тугатиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги таклиф.

69-модда. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг ўн кундан кечиктирмай ёки ташқи бошқарувни муддатидан илгари тугатиш учун асослар юзага келганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай чақириладиган кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилади.

Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганда барча кредиторларга кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарни юбориши шарт.

Кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарда кредиторлар йиғилишини ўтказиш вақти, жойи, шунингдек ташқи бошқарувчининг ҳисоботи билан танишиш тартиби ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш на-

тижалари бўйича кредиторлар йиғилиши қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги ва у кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги қарор;

ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор.

70-модда. Ташқи бошқарувчи ҳисоботининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши

Ташқи бошқарувчининг кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилган ҳисоботи ва кредиторлар йиғилишининг баённомаси кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан кейин беш кундан кечиктирмай хўжалик судига юборилади.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботига кредиторлар талабларининг реестри ва кредиторлар йиғилиши қабул қилган қарорга қарши овоз берган ёки овоз беришда иштирок этмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилинган бўлиши керак.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ҳамда кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Мажлис ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида ташқи бошқарувчи ҳамда шикоят берган кредиторлар хабардор қилинадилар.

Агар кредиторлар йиғилиши қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги ва у кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, ташқи бошқарувчининг ҳисоботи хўжалик суди томонидан тасдиқланиши керак, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар хўжалик суди томонидан кредиторларнинг шикоятлари асослилиги ёки қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги аломатлари йўқлиги аниқланса, хўжалик суди ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ёки тасдиқлашни рад этиш ёхуд ташқи бошқарув муддатини узайтириш ёки келишув битими тузиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Кредиторлар йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида илтимосномаси бўлганда, шунингдек ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни хўжалик суди рад этган ёки бу ҳисобот ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг бир ой муддат ичида тақдим этилмаган тақдирда хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

71-м о д д а. Ташқи бошқарувчи ҳисоботининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши оқибатлари

Ташқи бошқарувчи ҳисоботининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асос бўлади.

Кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинган илтимоснома бўлганда хўжалик суди кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугалланадиган муддатни белгилашга ҳақлидир.

Хўжалик суди ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқаради ҳамда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугалланадиган муддатни белгилайди, бу муддат ажрим чиқарилган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак. Бундай ҳолда банкротлик тўғрисидаги ишни юритиш кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин тугатилади.

Агар хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинмаган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

72-м о д д а. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб

Ушбу Қонун 70-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар талабларининг реестрига мувофиқ, хўжалик суди ташқи

бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаган кундан бошлаб амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ушбу Қонуннинг 83-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қарздорнинг пул мажбуриятларини бажарган пайдан бошлаб ташқи бошқарувчи кредиторлар талабларининг реестрига тегишли ёзувни киритади.

73-м о д д а. Кредиторлар талабларининг қондирилиши

Кредиторларнинг қондирилган талаблари, шунингдек воз кечиш ҳақи ёки мажбуриятнинг янгиланиши ёхуд пул мажбуриятлари ўзгача тарзда тугатилганлиги тўғрисида келишувга эришилган талаблар, шунингдек ушбу Қонун бўйича қондирилган деб эътироф этиладиган бошқа талаблар қондирилган деб ҳисобланади.

74-м о д д а. Ташқи бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тартиби

Ташқи бошқарувнинг тугатилиши ташқи бошқарувчининг ваколатлари тугатилиб, қарздорнинг ва қарздор мол-мулки эгасининг бошқа бошқарув органлари ваколатлари қайта тикланишига олиб келади.

Агар ташқи бошқарув келишув битими қабул қилиниши ёки кредиторларнинг талаблари тугалланиши орқали тугалланса, ташқи бошқарувчи янги раҳбар тайинлангунга (сайлангунга) қадар ўз вазифаларини қарздорнинг раҳбари ваколатлари доирасида бажаришни давом эттириб туради.

Агар хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳамда бошқа шахс ишончли шахс этиб тайинланган бўлса, ташқи бошқарувчи ишларни ишончли шахсга топширгунга қадар ўз вазифаларини бажаришни давом эттириб туради.

VI боб. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ

75-м о д д а. Тугатишга доир иш юритишни бошлаш

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига олиб келади.

Қарздор банкрот деб эълон қилинган пайдан бошлаб қарздорнинг ўз мол-мулкини тасарруфидан чиқариши, ўзга шахсга бериши ва пул мажбуриятларини тўлаши тақиқланади, ҳисоб-китоб ҳисобварағи бўйича операциялар, дивидендлар ва мажбурий тўловлар тўлаш тўхтатиб қўйилади. Қарздорнинг барча қарз мажбуриятлари муддати ўтиб кетган деб ҳисобланади, унга янги талабларни тақдим этишга йўл қўйилмайди.

Қарздор қарзларининг барча турлари бўйича пенялар ва фоизлар ҳисоблаш бекор қилинади. Қарздорнинг мол-мулкига ундирувни қаратишга нисбатан барча чеклашлар олиб ташланади. Агар қабул қилинган қарорлар қонуний кучга кирмаган бўлса, хўжалик судида кўрилаётган қарздор иштирокидаги барча мулкий низолар тугатилади. Шу пайдан бошлаб мулкий ёки молиявий тусдаги барча талаблар қарздорга фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида қўйилиши мумкин.

76-модда. Тугатишга доир иш юритиш иштирокчилари

Ишончли шахс, кредиторлар йиғилиши (қўмитаси), қарздор ва бошқа манфаатдор тарафлар тугатишга доир иш юритишнинг иштирокчиларидир.

77-модда. Тугатиш комиссияси

Хўжалик суди банкротлик тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда тугатиш комиссияси айни шу суд томонидан тузилади. Мол-мулкида давлат мулкнинг улуши бўлган қарздор банкрот деб эълон қилинган тақдирда ишончли шахс бошчилигидаги тугатиш комиссиясини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи тузади. Ишончли шахс хўжалик суди томонидан тасдиқланади.

Тугатиш комиссияси:

қарздор-банкрот жойлашган ердаги расмий матбуотда унинг тугатилиши тўғрисидаги ҳамда кредиторларнинг талабномалар билдириш тартиби хусусидаги эълонни чоп этиши;

қарздор-банкротнинг тугатилишини кредиторларга ва манфаатдор тарафларга маълум қилиши;

қарздор-банкротнинг пул маблағларини битта банкда ягона сўм ва ягона валюта ҳисобварақларида жамлаши;

қарздор-банкротнинг мол-мулки, шу жумладан гаровдаги мол-мулки тўғрисидаги ҳисоботни тузиши; тугатиш балансини тузиши ва уни хўжалик судига тақдим этиши;

қарздор-банкротни тугатиш режасини тайёрлаши; жорий ишларни тугаллаши;

қарздор-банкротни тугатишни манфаатдор тарафлар фойдасини кўзлаб босқичма-босқич амалга ошириши;

кредиторларга, хўжалик судига, солиқ органлари ва бошқа ваколатли органларга, ўзга манфаатдор ташкилотларга ва шахсларга қарздорнинг мол-мулки ҳамда қарздорни тугатиш жараёнининг бориши ҳақидаги зарур ахборотни бериб туриши;

қарздор-банкротни тугатиш ўтказилганлиги тўғрисидаги яқунловчи ҳисоботни тайёрлаши ва уни хўжалик судига тақдим этиши шарт.

Тугатиш комиссиясининг хатти-ҳаракатлари устидан хўжалик судига шикоят қилиш мумкин.

78-модда. Ишончли шахснинг ваколатлари

Ишончли шахс тасдиқланган пайтдан бошлаб қарздорнинг ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар, шу жумладан қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш ваколатлари унинг ихтиёрига ўтади.

Қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи) ишончли шахс тасдиқланган пайтдан бошлаб уч кун ичида қарздорнинг бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штаплари, моддий ва бошқа қимматли нарсалари ишончли шахсга берилишини таъминлайди. Кўрсатиб ўтилган мажбуриятни бажаришдан бош тортилган тақдирда қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи), шу жумладан қарздор-юримдик шахснинг раҳбари, қарздор-жисмоний шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ишончли шахс:

қарздорнинг мол-мулкини ўз тасарруфига қабул қилиб олади, уни инвентаризация қилади ва баҳолайди ҳамда уни сақлаш чора-тадбирларини кўради;

кредиторлар йиғилиши ва кредиторлар қўмитасини чақиради;

кредиторлар талабларининг реестрини юритади ва бу талабларни кўриб чиқади;

қарздорнинг қарзини ундириш чора-тадбирларини кўради;

қарздор тугатилганда қарздорнинг ходимлари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилади;

кредиторларнинг қарздорга нисбатан билдирган талаблари бўйича белгиланган тартибда эътирозлар билдиради;

қарздорнинг шартномаларини бажаришни ушбу Қонуннинг 56-моддасида белгиланган тартибда рад этади;

қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкни қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чора-тадбирлар кўради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг сақланиши шарт бўлган ҳужжатларини сақлаш учун топширади;

ушбу Қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Уз ваколатларини амалга ошириш чоғида ишончли шахс қарздорни банкротликка олиб келганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлган учинчи шахсларга талаблар тақдим этишга ҳақли.

Ундирилган суммалар тугатиш массасига киритилади ва улар ушбу Қонунда белгиланган навбат тартибида фақат кредиторларнинг талабларини қондириш учун ишлатилиши мумкин.

Уз ваколатларини амалга ошириш чоғида ишончли шахс қарздорнинг ҳамда унинг кредиторларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилиши шарт.

79-м о д д а. Банкротни тугатиш режаси

Қарздор-банкротни тугатиш режасида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

қарздор-банкротнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумот;

кредиторларнинг талабномаларини қондириш шартлари, тартиби, навбати ва мутаносиблиги;

қарздор-банкрот мол-мулки эгасининг, меҳнат жамоасининг манфаатлари ҳисоби;

сотилиши керак бўлган мол-мулкнинг рўйхати;

мол-мулкни сотиш усули, жойи ва вақти;

суд харажатларини тўлаш, экспертлар, тугатиш комиссияси аъзолари, ишончли шахс ва бошқа шахсларнинг фаолиятига ҳақ тўлаш шартлари.

Қарздор-банкротни тугатиш режаси кредиторлар билан келишиб олиниши керак ва у, агар талаблар жами суммасининг камида учдан икки қисмини ифода этувчи кредиторлар томонидан қўллаб-қувватланса, маъқулланган деб ҳисобланади. Агар тугатиш режаси маъқулланмаса, кредиторлар эса қарздор-банкротни тугатишга доир ўз режаларини белгиланган муддатда тақдим этмасалар, ишончли шахс тугатиш комиссияси таклиф этган режани тасдиқлайди.

Қарздорнинг ўзи иш қўзғатиш ташаббускори бўлган тақдирда, у ўз тугатиш режасини тақдим этишга ҳақли.

Тасдиқланган тугатиш режаси асосида мол-мулк сотилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарздорга билдирилган талабномалар қондирилади.

80-модда. Тугатиш массаси. Қарздорнинг мол-мулкани баҳолаш

Қарздор-банкротнинг барча активлари, балансларда кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, тугатиш массасини шакллантирувчи асосни ташкил этади.

Аукционда сотилаётган мол-мулк учун баланс (қолдиқ) қиймат бошланғич баҳо бўлади.

Қуйидагилар тугатиш массасига кирмайди:

қарздор ходимларининг хусусий мулкидаги мол-мулк;

ишончли (траст) бошқарувдаги, қарздор ижара ҳуқуқи асосида фойдаланаётган мол-мулк;

гаров нарсаи, ушбу Қонуннинг 82-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

қарздорга жавобгарлик асосида сақлаш учун берилган товарлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг мулк бўлмаган бошқа мол-мулк.

81-модда. Тугатишга доир иш юритиш давомида қарздорнинг ҳисобварақлари

Ишончли шахс тугатишга доир иш юритиш давомида қарздорнинг битта банкдаги фақат ягона сўм ва ягона валюта ҳисобварақларидан фойдаланиши шарт.

Қарздорнинг тугатишга доир иш юритиш очилаётган пайтда маълум бўлган, шунингдек тугатишга доир иш

юритиш жараёнида аниқланган банкдаги бошқа ҳисобварақлари аниқланиши биланоқ ишончли шахс томонидан ёпилиши лозим. Ана шу ҳисобварақлардаги қарздорга тегишли пул маблағларининг қолдиғи қарздорнинг асосий ҳисобварағига ўтказилиши лозим.

Тугатишга доир иш юритиш давомида келиб тушган пул маблағлари ҳам қарздорнинг асосий ҳисобварағига ўтказилади.

Асосий ҳисобварақдан ушбу Қонуннинг 83-моддасида назарда тутилган тартибда кредиторларга қарзлар ҳамда ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган харажатлар тўланади.

Қуйидагилар қарздорнинг асосий ҳисобварағидан тўланади:

ишончли шахсга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

қарздорнинг жорий коммунал ва фойдаланиш тўловлари;

қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақидаги маълумотни эълон қилиш, шунингдек қарздорнинг кредиторларини бундан хабардор қилиш билан боғлиқ харажатлар;

тугатишга доир иш юритишни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Ишончли шахс кредиторлар йиғилишига ва кредиторлар қўмитасига уларнинг талабига биноан қарздорнинг пул маблағларидан фойдаланганлик тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

82-м о д д а. Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш

Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш қарздорнинг гаровга қўйилган мол-мулки (гаров нарсаси) сотилганидан кейин тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бу маблағларнинг қолдиғи кредиторларнинг талабларини ушбу Қонуннинг 83-моддасида белгиланган навбат бўйича қондиришга мўлжалланади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров нарсасини) сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган барча талабларини тўла қондириш учун етарли бўлмаса, унда талабларнинг қолган қисми ушбу Қонуннинг 83-моддасида белгиланган навбат бўйича тўланиши керак.

83-м о д д а. Кредиторларнинг талабларини қондириш навбати

Суд харажатларини, ташқи бошқарувчига, ишончли шахсга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, жорий коммунал ва фойдаланиш тўловларини қоплаш, шунингдек қарздорнинг ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш жараёнида юзага келган мажбуриятларига доир талабларни қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади.

Бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундиришга доир талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказиш ёки беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича, муаллифлик шартномалари асосида ҳақ тўлаш, шунингдек ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, хўжалик субъектларининг бюджетга тўловлар бўйича ҳамда меҳнатга оид ва унга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминловчи талаблар биринчи навбатда қондирилади. Мазкур талаблар тўлиқ қондирилганидан сўнг ижтимоий суғурта бўйича талаблар ҳамда фуқароларнинг уларнинг мол-мулкига жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни қоплашга доир талаблари қондирилади.

Мажбурий суғурта бўйича талаблар, шунингдек банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари суғуртаси бўйича талаблар иккинчи навбатда қондирилади.

Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари учинчи навбатда қондирилади.

Кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари тўртинчи навбатда қондирилади.

Акциялар эгаларининг талаблари бешинчи навбатда қондирилади.

Қолган барча талаблар олтинчи навбатда қондирилади.

Ҳар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла-тўқис бажарилганидан кейин қондирилади.

Ундириб олинаётган сумма бир навбатнинг барча талабларини тўла-тўқис қондиришга етарли бўлмаган тақ-

дирда бу талаблар ҳар бир ундирувчи олиши лозим бўлган суммага мутаносиб равишда қондирилади.

Охирги тўлов тўланганлиги тўғрисида расмий матбуотда махсус хабар эълон қилинади.

Мол-мулк қийматининг кредиторлар талаблари қондирилганидан ва иш юритиш харажатлари тўланганидан кейинги қолдигни тугатилаётган қарздор мол-мулкнинг эгаси (эгалари) олади.

Тугатиш жараёнида қарздорнинг сотилмай қолган мол-мулкдан мол-мулкнинг эгаси (эгалари) кўрсатмаси бўйича фойдаланилади.

Мол-мулк етарли эмаслиги сабабли қондирилмай қолган қарз мажбуриятлари узилган деб ҳисобланади.

84-м о д д а. Қарздорнинг мол-мулкни сотиш

Қарздорнинг мол-мулкни инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин ишончли шахс, агар кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) томонидан қарздорнинг мол-мулкни сотишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, ушбу мол-мулкни очиқ ким ошди савдосида сотишга киришади.

Қарздорнинг мол-мулкни сотиш тартиби ва муддатлари кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) томонидан маъқулланган бўлиши керак.

Қарздорнинг муомала қобилияти чекланган мол-мулк фақат ёпиқ ким ошди савдосида сотилиши мумкин. Ёпиқ ким ошди савдосида қонунга мувофиқ мулк ҳуқуқида ёки бошқа ашёвий ҳуқуқда мазкур мол-мулкка эга бўла оладиган шахслар иштирок этадилар.

Ишончли шахс ким ошди савдоси ташкилотчиси сифатида иш олиб бориши ёки ким ошди савдосини ўтказишни ихтисослаштирилган ташкилотга шартнома асосида топшириши мумкин. Қим ошди савдосини ўтказаетган ихтисослаштирилган ташкилот қарздорнинг ёки ишончли шахснинг манфаатдор шахси бўлиши мумкин эмас.

Биринчи ким ошди савдосида сотилмай қолган мол-мулк такрорий ким ошди савдосига қўйилади ёки ким ошди савдоси ўтказмай тузилган олди-сотди шартномаси асосида ишончли шахс томонидан реализация қилинади.

Қарздорнинг корхонасини сотиш ушбу Қонуннинг 64-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

85-м о д д а. Тугатиш жараёнида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш

Ишончли шахс, агар кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) томонидан қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотишнинг (ўзганинг фойдасига воз кечишнинг) бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини очик ким ошди савдосига қўйишга ҳақли.

Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини очик ким ошди савдосида сотиш (ўзганинг фойдасига воз кечиш) ушбу Қонуннинг 66-моддасида назарда тутилган нормаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

86-м о д д а. Ишончли шахснинг фаолиятини назорат қилиш

Ишончли шахс ҳар ойда камидан бир марта кредиторлар қўмитасига (йиғилишига) ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошланган пайтдаги ва иш юритиш жараёнидаги мол-мулки тўғрисидаги, шунингдек бошқа ахборот тақдим этади.

Ишончли шахс хўжалик судининг талабига биноан тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказишга таллуқли барча маълумотларни тақдим этиши шарт.

87-м о д д а. Ишончли шахсни четлаштириш

Ишончли шахс ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторлар йиғилишининг (қўмитасининг) илтимосномасига ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг тақдимномасига биноан хўжалик суди уни ўз вазифаларини бажаришдан четлаштиради ҳамда янги ишончли шахсни тайинлайди.

88-м о д д а. Ишончли шахснинг ҳисоботи

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиб бўлинганидан кейин ишончли шахс хўжалик судига тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Ҳисоботга қуйидагилар илова қилинади:
қарздорнинг мол-мулки сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кредиторлар талабларининг қондирилган қисмини кўрсатган ҳолда кредиторлар талабларининг реестри;
кредиторлар талаблари қондирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

89-м о д д а. Қарздорнинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки

Ишончли шахс қарздор мол-мулки эгасининг мазкур мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисида аризаси бўлмаган тақдирда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини қарздорнинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулкидан хабардор қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бундай хабарни олган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида мол-мулкни балансга олади ва уни сақлаб туришга доир барча харажатларни кўтаради.

90-м о д д а. Тугатишга доир иш юритиш таомилини яқунлаш

Тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисида ишончли шахс томонидан тақдим этилган ҳисобот кўриб чиқилганидан кейин хўжалик суди тугатишга доир иш юритиш яқунланганлиги тўғрисида ажрим чиқаради ва уни юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи органга ўн кун ичида юборади.

Хўжалик судининг ажрими юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритилиши учун асосдир.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган пайтдан бошлаб ишончли шахснинг ваколатлари бекор қилинади, тугатишга доир иш юритиш яқунланган, қарздор эса тугатилган деб ҳисобланади.

VII боб. КЕЛИШУВ БИТИМИ

91-м о д д а. Келишув битимини тузиш тартиби

Хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги

пиши кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида қарздор ва кредиторлар келишув битимини тузишга ҳақлидир.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади. Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади ва қарор, агар ушбу Қонуннинг 83-моддасида белгиланган биринчи, иккинчи ва учинчи навбат мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор қарздор номидан тегишинча қарздор-жисмоний шахс ёки қарздор-юримдик шахсининг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёки ишончли шахс томонидан қабул қилинади.

Келишув битимида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган учинчи шахсларнинг келишув битимида иштирок этишига йўл қўйилади.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқлаши керак, бу ҳақда банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримда кўрсатиб ўтилади. Агар келишув битими тугатишга доир иш юритиш жараёнида тузилса, хўжалик суди келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланган кундан эътиборан қарздор ва кредиторлар учун кучга киради ва улар учун мажбурий ҳисобланади. Кучга кирган келишув битимини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди.

92-м о д д а. Келишув битимининг шакли

Келишув битими ёзма шаклда тузилади.

Қарздор номидан келишув битимини тегишинча қарздор-жисмоний шахс ёки қарздор-юримдик шахсининг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёки ишончли шахс имзолайди. Кредиторлар номидан келишув битимини кредиторлар йиғилиши томонидан вакил қилинган шахс имзолайди.

Агар келишув битимида учинчи шахслар иштирок этаётган бўлса, улар номидан келишув битимини тегишинча жисмоний шахс, юримдик шахсининг раҳбари ёки уларнинг вакиллари имзолайди.

93-м о д д а. Келишув битимининг мазмуни

Келишув битимида қарздор пул мажбуриятларининг миқдори, уларни бажариш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ва (ёки) қарздорнинг пул мажбуриятларини воз кечиш ҳақини бериш, мажбуриятларни янгилаш, қарзни кечиш йўли билан ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга усуллар билан тугатиш тўғрисидаги қоидалар бўлиши керак.

Келишув битимида қуйидагилар бўлиши мумкин:
пул мажбуриятларининг тўланиши кечиктирилганлиги ёки бўлиб-бўлиб тўланиши тўғрисидаги шартлар;
қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартлар;
қарздорнинг пул мажбуриятларини учинчи шахслар томонидан бажариш тўғрисидаги шартлар;
қарздан сийлов қилиш тўғрисидаги шартлар;
кредиторларнинг талабларини қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усуллар билан қондириш тўғрисидаги шартлар.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги масала бўйича овоз беришда иштирок этмаган, шунингдек уни тузишга қарши овоз берган кредиторлар учун келишув битимининг шартлари уни тузишни ёқлаб овоз берган, шу навбатдаги кредиторлар учун белгиланган шартлардан ёмон бўлиши мумкин эмас.

94-м о д д а. Келишув битимининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши шартлари

Келишув битими ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун қарздор жавобгар бўлган фуқароларнинг қарзлари тўлаб бўлингандан кейин тузилиши мумкин.

Қарздор, ташқи бошқарувчи ёки ишончли шахс келишув битими имзоланган пайтдан эътиборан беш кун ичида хўжалик судига келишув битими тузилганлигини тасдиқловчи ариза тақдим этиши керак.

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилиниши лозим:

келишув битимининг матни;
келишув битимини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторлар йиғилишининг баённомаси;
барча кредиторларнинг уларнинг манзили ва қарз суммасини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхати;

ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган фуқароларнинг қарзлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

келишув битими тузиш тўғрисидаги масала бўйича овоз беришда иштирок этмаган ёки келишув битимини тузишга қарши овоз берган кредиторларнинг ёзма эътирозлари.

Келишув битими кўриладиган сана ҳақида хўжалик суди манфаатдор тарафларни хабардор қилади. Хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги ишни кўришга монелик қилмайди.

95-модда. Келишув битимининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши оқибатлари

Ташқи бошқарув жараёнида хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасдиқланиши кредиторлар талабларининг қондирилишига жорий этилган мораторий ҳамда банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилиши учун асосдир. Агар келишув битими хўжалик суди томонидан тугатишга доир иш юритиш даврида тасдиқланган бўлса, хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ижро этилмаслиги керак.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб ташқи бошқарувчи ва ишончли шахснинг ваколатлари бекор қилинади. Ташқи бошқарувчи ва қарздор-юримдик шахснинг ишончли шахси қарздорнинг раҳбари тайинлангунга (сайлангунга) қадар ўз ваколатларини бажаришни давом этириб турадилар.

Келишув битими тасдиқланган пайтдан эътиборан тегишинча қарздор-жисмоний шахс ёки қарздор-юримдик шахснинг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёки ишончли шахс кредиторларнинг қарзини тўлашга киришадилар.

96-модда. Келишув битимини тасдиқлашнинг хўжалик суди томонидан рад этилиши

Ушбу Қонуннинг 94-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган фуқароларнинг қарзларини тўлашга доир мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда хўжалик суди келишув битимини тасдиқлашни рад этади.

Хўжалик суди келишув битимини тасдиқлашни қуйидаги ҳолларда рад этишга ҳақлидир:

келишув битимини тузишнинг ушбу Қонунда белги-
ланган тартиби бузилганда;
келишув битимининг шаклига риоя этилмаганда;
учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилганда;
келишув битимининг шартлари қонун ҳужжатларига
зид бўлганда.

Келишув битимини тасдиқлаш рад этилганлиги тўғ-
рисида хўжалик суди ажрим чиқаради ва унинг усти-
дан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

97-модда. Келишув битимини тасдиқлашнинг рад этилиши оқибатлари

Хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқ-
лашнинг рад этилиши тўғрисида ажрим чиқарилган тақ-
дирда битим тузилмаган деб ҳисобланади.

Хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқ-
лашни рад этиши тўғрисида ажрим чиқарилиши янги ке-
лишув битими тузилишига монелик қилмайди.

98-модда. Келишув битимининг ҳақиқий эмаслиги

Қарздор, кредитор ёки прокурорнинг аризасига бино-
ан келишув битими хўжалик суди томонидан қуйидаги
ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

келишув битими айрим кредиторлар учун афзаллик
берилишини ёки айрим кредиторларнинг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатлари камситилишини назарда тутувчи
шартларга эга бўлса;

битими ҳақиқий эмас деб топиш учун қонун ҳуж-
жатларида назарда тутилган бошқа асослар мавжуд
бўлса.

99-модда. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топишнинг оқибатлари

Келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши
банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш
учун асосдир. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни
қайта тиклаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради
ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин.

Келишув битими ҳақиқий эмас деб топилган тақдир-
да кредиторларга тўланиши лозим бўлган, лекин кечик-
тирилган ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўланиши белгиланган

талаблари ёки қарзларнинг сийлови уларнинг қондирилмаган қисми миқдорида тикланади.

Келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши ушбу Қонуннинг 94-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган фуқароларнинг қарзни тўлаш ҳисобидан олган нарсаларини қарздорга қайтариш мажбуриятини келтириб чиқармайди.

Битимни ҳақиқий эмас деб топишнинг ушбу модда билан тартибга солинмаган қисмида битимни ҳақиқий эмас деб топишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган оқибатлари келиб чиқади.

Келишув битими ҳақиқий эмас деб топилганда қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш ҳақидаги хабар хўжалик суди томонидан расмий нашрда қарздор ҳисобидан эълон қилинади.

Кредиторларнинг келишув битими шартлари асосида ҳисоб-китоб қилиб бўлинган талаблари, агар ушбу Қонунга зид келмаса, қондирилган деб ҳисобланади. Келишув битимининг муайян кредиторлар устунлигини ёки бошқа кредиторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишини назарда тутувчи шартларига мувофиқ талаблари қондирилган кредиторлар келишув битимини бажариш тартибида олган барча нарсаларини қайтаришлари шарт.

100-модда. Келишув битимини бажармаслик оқибатлари

Келишув битими қарздор томонидан бажарилмаган тақдирда кредиторлар келишув битимида назарда тутилган ҳажмдаги талабларни тақдим этишга ҳақли.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритиш қўзғатилган тақдирда келишув битими тузган кредиторлар талабларининг ҳажми келишув битимида назарда тутилган шартлар асосида белгиланади.

VIII боб. ҚАРЗДОР-ЮРИДИҚ ШАХСЛАР АЙРИМ ТИПЛАРИНИНГ БАНКРОТЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

§ 1. Шаҳарни ташкил этувчи корхоналарнинг банкротлиги

101-модда. Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриш

Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг банкротлиги

тўғрисидаги иш кўрилаётганда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи ишда иштирокчи шахс сифатида эътироф этилади.

Ишда иштирок этаётган шахслар сифатида хўжалик суди томонидан давлат бошқарув органлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи корхона мақомини тасдиқловчи далиллар хўжалик судига қарздор томонидан тақдим этилиши керак.

102-модда. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш

Ташқи бошқарув маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномаси бўлган тақдирда хўжалик суди томонидан узати билан бир йил муддатга узайтирилиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг молиявий аҳволини унинг фаолиятига инвестиция киритиш, ходимларини ишга жойлаштириш, янги иш жойларини яратиш йўли билан ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг бошқа усуллари билан яхшилаш режаси ташқи бошқарувни ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатдан кўпроқ муддатга узайтириш учун асос бўла олади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки давлат бошқарув органининг илтимосномасига биноан қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан кафиллик бериш шарти билан шаҳарни ташкил этувчи корхонани ташқи бошқарув муддати беш йилгача узайтирилиши мумкин. Бундай ҳолда қарздор ва унинг кафили кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлардан кечикмай киришишлари шарт.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаслиги қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш учун асос бўлади.

103-модда. Шаҳарни ташкил этувчи корхонани сотиш

Шаҳарни ташкил этувчи корхона кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида ташқи бошқарув чоғида сотилиши мумкин. Қарздор-шаҳарни ташкил этув-

чи корхонани сотиш танлов ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қуйидагилар танловнинг мажбурий шартлари ҳисобланади:

шаҳарни ташкил этувчи корхона сотилаётган пайтда унда ишлаб турган ходимларнинг камида 70 фоизи учун иш жойларини сақлаб қолиш;

шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг фаолият соҳаси ўзгартирилган тақдирда мазкур ходимларни қайта ўқитиш ёки ишга жойлаштириш борасида харидорнинг мажбуриятлари.

Танловнинг бошқа шартлари фақат кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, ушбу Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган тартибда белгиланиши мумкин.

Агар шаҳарни ташкил этувчи корхона танлов шартларида сотилмаган бўлса, у аукционда сотилади.

104-модда. Банкрот деб топилган қарздор-шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг мол-мулкни сотиш

Банкрот деб топилган қарздор-шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг мол-мулк сотилаётганда ишончли шахс биринчи ким ошди савдосида сотиш учун корхонани ягона мулкий мажмуа сифатида таклиф этмоғи лозим.

Агар қарздор-шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг мол-мулк ягона мулкий мажмуа сифатида сотилмаган бўлса, қарздорнинг мол-мулкни сотиш ушбу Қонуннинг 65-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

§ 2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги

105-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари банкротлигининг хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги тўғрисида иш юритиш қўзғатилгунга қадар уларга нисбатан «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда судгача санация қилиш қўлланилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мақсадларида ишлатилаётган ва банкрот деб топилган қишлоқ хўжалиги корхонасига тегишли бўлган кўчмас мол-мулк объ-

ектлари сотилаётганда ушбу объектларни сотиб олишда бошқа шартлар тенг бўлгани ҳолда айнан шу ҳудудда жойлашган қишлоқ хўжалиги корхоналари устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси банкротлик оқибатида тугатилган тақдирда унга берилган ер участкалари ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг тасарруфидан чиқарилиши ёки бошқа шахсга берилиши мумкин.

106-модда. Ташқи бошқарув

Қишлоқ хўжалиги корхонасига ташқи бошқарув этиштирилган (ишлаб чиқарилган, ишлаб чиқарилиб қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур вақтни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугагунга қадар бўлган муддатга жорий этилади. Мазкур муддат ушбу Қонун 47-моддасининг учинчи қисмида белгиланган муддатлардан уч ойдан кўпроққа ошиб кетмаслиги лозим.

Ташқи бошқарув муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор вазиятлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий ҳолатида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, ташқи бошқарув муддати бир йилга узайтирилиши мумкин.

§ 3. Банкларнинг банкротлиги

107-модда. Банкларни банкрот деб топиш асоси

Банкни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик суди томонидан кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия қайтариб олинганидан кейингина қабул қилинади.

Қарздор-банкнинг ихтиёрий равишда ўзини банкрот деб эълон қилишига йўл қўйилмайди.

108-модда. Банкнинг банкротлиги тўғрисидаги иш-ни кўриб чиқишнинг хусусиятлари

Қарздор-банк кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир бўлмаган тақдирда юзага келадиган муносабатлар ҳамда банкларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг хусусиятлари қонунларда белгиланган тарзда тартибга солинади.

Банкка ташқи бошқарув жорий этилмайди.

Ишда иштирокчи шахслар ушбу Қонунда назарда тутилганлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, шунингдек фуқароларнинг омонатларини кафолатловчи (суғурталовчи) ташкилотдир.

§ 4. Суғурта ташкилотларининг банкротлиги

109-модда. Суғурта ташкилотининг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш

Қарздор-суғурта ташкилотининг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётганда хўжалик судлов ишида иштирокчи шахс суғурта фаолияти устидан назорат қилувчи давлат органидир.

110-модда. Суғурта ташкилотининг мулкый мажмуасини сотиш

Суғурта ташкилотининг мулкый мажмуасини сотиш ташқи бошқарув жараёнида ушбу Қонуннинг 64-моддасига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Суғурта ташкилотининг мулкый мажмуасини сотиб олувчи фақат суғурта ташкилоти бўлиши мумкин.

Суғурта ташкилотининг мулкый мажмуаси ташқи бошқарув жараёнида сотилган тақдирда суғурта ташкилотининг мол-мулки сотилган санагача суғурта ҳодисаси бошланмаган суғурта шартномалари бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуани сотиб олган шахсга ўтади.

Тугатишга доир иш юритиш ўтказиляётганида сотиб олувчи қарздор-суғурта ташкилоти банкрот деб топилган санага қадар суғурта ҳодисаси бошланмаган шартномаларни зиммага олишга рози бўлгандагина суғурта ташкилотининг мулкый мажмуаси сотилиши мумкин.

111-модда. Суғурта ташкилотлари банкрот бўлган тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг талаб қилиш ҳуқуқлари

Хўжалик суди суғурта ташкилотини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда бундай ташкилот суғурталовчи сифатида тузган, мазкур қарор қабул қилинган санага қадар суғурта ҳодисаси бошланмаган барча

шартномалар бекор қилинади, ушбу Қонун 110-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суғурта қилдирувчилар (наф олувчилар) ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга биноан бекор қилинган шартномалар бўйича суғурталовчига тўланган суғурта мукофотининг суғурта шартномасининг амал қилиш муддати билан бу шартнома амал қилган муддат ўртасидаги фарққа мутаносиб тарздаги қисми, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Суғурта қилдирувчилар (наф олувчилар) хўжалик суди суғурта ташкилотини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилгунга қадар суғурта ҳодисаси бошланган суғурта шартномалари бўйича суғурта суммаси тўланишини тугатиш комиссиясидан талаб қилишга ҳақлидир.

112-модда. Кредиторларнинг талабларини қондириш

Хўжалик суди суғурта ташкилотини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда биринчи ва иккинчи навбатдаги кредиторларнинг талаблари қуйидаги тартибда қондирилиши керак:

биринчи навбатда — кредиторларнинг шахсий мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

иккинчи навбатда — кредиторларнинг бошқа мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

учинчи навбатда — бошқа кредиторларнинг — суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаблари, шу жумладан ушбу Қонун 111-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шахсларнинг талаблари;

тўртинчи навбатда — бошқа кредиторларнинг талаблари.

§ 5. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги

113-модда. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги хусусиятлари

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлмиш юридик ёки жисмоний шахснинг бан-

кротлиги тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганида хўжалик судлов ишида иштирокчи шахс қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи ваколатли давлат органидир.

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги таомилларининг ушбу Қонун билан тартибга солинмаган хусусиятлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари миждларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлар қонунларда белгилаб қўйилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари банкротлигининг олдини олиш ва уларнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг судгача таомилларини ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

114-м о д д а. Ташқи бошқарувчига ва ишончли шахсга тааллуқли талаблар

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича ташқи бошқарувчи ёки ишончли шахсда қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия бўлиши керак.

115-м о д д а. Ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш хусусиятлари

Мижозларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг тасарруфида бўлган қимматли қоғозлари ва бошқа мол-мулки тугатиш массасига киритилмайди.

Ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жорий этилган пайдан бошлаб миждларнинг қолган қимматли қоғозлари, агар ташқи бошқарувчи ёки ишончли шахснинг миждлар билан келишувида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, миждларга қайтарилиши лозим.

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлмиш ташкилотнинг ташқи бошқаруви чоғида ташқи бошқарувчи ушбу ташкилотга миждлар томонидан бошқариш учун берилган қимматли қоғозларни

мижозларнинг розилиги билан ва уларнинг номидан қимматли қогозлар бозори профессионал иштирокчисининг тегишли лицензиясига эга бўлган бошқа ташкилотга бериши мумкин.

IX боб. ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ БАНКРОТЛИГИ

116-модда. Жисмоний шахснинг банкротлигини тартибга солиш

Жисмоний шахснинг (тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошираётган шахснинг) банкротлиги билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар мазкур бобда бошқача қонда назарда тутилган бўлмаса, ушбу Қонунининг I—IV боблари қоидалари қўлланилади.

117-модда. Қарздор-жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза

Жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига қарздор-жисмоний шахс, кредитор, прокурор, шунингдек солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилиши мумкин.

Жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига кредиторлар ҳам эга, ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича, шунингдек шахсий тусдаги бошқа талаблар билан чиқувчи кредиторлар бундан мустасно.

Жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётган пайтда ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, алиментларни ундириш тўғрисидаги, шунингдек шахсий тусдаги бошқа талабларни қўяётган кредиторлар ўз талабларини тақдим этишга ҳақлидир. Мазкур кредиторларнинг талаблари, агар улар банкротлик таомили қўлланилаётганда билдирилмаган бўлса, жисмоний шахснинг банкротлиги таомили тутаганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

118-модда. Қарзларни тўлаш режаси

Жисмоний шахснинг аризасига қарзларни тўлаш режаси илова қилиниши мумкин, режанинг нусхалари кре-

диторларга ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга жўпатилади.

Кредиторларнинг эътирози бўлмаса, хўжалик суди қарзларни тўлаш режасини тасдиқлаши мумкин, бу эса банкротлик тўғрисидаги иш юритилишини узоғи билан икки ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Қарзларни тўлаш режаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

уни амалга ошириш муддати;

қарздорга ёки унинг оила аъзоларига истеъмол учун ҳар ойда қолдириладиган сумманинг миқдори;

кредиторларнинг талабларини қондиришга ҳар ойда жўнатиш мўлжалланаётган сумманинг миқдори.

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан қарзларни тўлаш режасини ўзгартириши, шу жумладан уни амалга ошириш муддатини узайтириши ёки қисқартириши, қарздорга ёки унинг оила аъзоларига истеъмол учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдорини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.

Агар қарздор қарзларни тўлаш режасини бажариши натижасида кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда қопланса, банкротлик тўғрисидаги ишни юритиш тугатилиши керак.

119-м о д д а. Жисмоний шахсларнинг тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулки

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк тугатиш массасига кирмайди.

Хўжалик суди қарздорнинг ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан жисмоний шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлган, ноликвид мол-мулкни ёхуд реализация қилинганда тушган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга моҳиятан таъсир этмайдиган мол-мулкни тугатиш массасидан чиқаришга ҳақли.

Жисмоний шахснинг ушбу модда иккинчи қисмининг қондаларига мувофиқ тугатиш массасидан чиқариладиган мол-мулкнинг умумий қиймати энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак. Бун-

дай мол-мулкнинг рўйхати хўжалик суди томонидан тасдиқланиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади.

120-модда. Жисмоний шахс битимларининг ҳақиқий эмаслиги

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига берилганидан кейин жисмоний шахснинг ўз мол-мулкни тасарруфдан чиқариш ёки манфаатдор шахсларга бошқа усуллар билан бериш билан боғлиқ битимлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлардир.

Кредиторнинг талабига биноан хўжалик суди ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатини жисмоний шахснинг битим предмети бўлган мол-мулкни жисмоний шахс мол-мулк таркибига қайтариш тариқасида ёки ундирувни манфаатдор шахсларда турган тегишли мол-мулкка қаратиш тариқасида қўлланади.

121-модда. Жисмоний шахснинг банкротлиги тўғрисидаги ишнинг хўжалик суди томонидан кўрилиши

Хўжалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда жисмоний шахснинг мол-мулкни хатлаб қўяди, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно. Қарздорнинг пул мажбуриятлари бажарилиши хусусида учинчи шахслар томонидан асослангандирилган кафиллик берилган ёки бошқа кафолатланган таъминот тақдим этилган тақдирда хўжалик суди жисмоний шахснинг илтимосномасига биноан жисмоний шахснинг мол-мулкни (жисмоний шахс мол-мулкнинг бир қисмини) хатловдан чиқариши мумкин.

Жисмоний шахснинг аризасига биноан хўжалик суди жисмоний шахс кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши ёки келишув битимига эришиши учун банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни узоғи билан бир ой муддатга кейинга қолдириши мумкин.

Жисмоний шахсга нисбатан мерос очилганлиги тўғрисида маълумот бўлган тақдирда, хўжалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш юриштириш мерос тақдири тўғрисидаги масала қонунда бел-

гиланган тартибда ҳал қилингуна қадар тўхтатиб туришига ҳақли.

Агар жисмоний шахс ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган муддатда кредиторларнинг талаблари қондирилганлигини кўрсатувчи далилларни тақдим этмаган ва белгиланган муддатда келишув битими тузилмаган бўлса, хўжалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

122-м о д д а. Жисмоний шахс банкрот деб топилишининг оқибатлари

Хўжалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан эътиборан:

қарздорнинг пул мажбуриятларини бажариш муддати келган деб ҳисобланади;

қарздорнинг барча мажбуриятлари бўйича неустойкалар (жарималар, пенялар), фоизлар қўшиш ва бошқа молиявий (иқтисодий) санкциялар бекор қилинади;

қарздордан барча ижро ҳужжатлари бўйича, алиментлар ундириш тўғрисидаги талабларга доир ижро ҳужжатлари бундан мустасно, шунингдек ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблар бўйича амалга ошириладиган ундирувлар бекор қилинади.

Жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни хўжалик суди аниқланган барча кредиторларга улар ўз талабларини тақдим этадиган муддатни кўрсатган ҳолда жўнатади, бу муддат икки ойдан ошмаслиги керак. Хўжалик судининг ана шундай қарорини юбориш жисмоний шахс ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан бошлаб унинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотади, шунингдек фаолиятнинг айрим турлари билан шугулланиш учун унга берилган лицензия бекор қилинади.

Банкрот деб топилган жисмоний шахс унинг банкротлиги эътироф этилган кундан эътиборан бир йил ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олиниши мумкин эмас.

Хўжалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор нусхасини айти шу шахсни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олган органга юборади.

123-модда. Хўжалик судининг қарорини бажариш

Хўжалик судининг қарздори банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ҳамда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақаси қарздорнинг мол-мулки сотилишини амалга ошириш учун суд ижрочисига юборилади. Қарздор-жисмоний шахснинг барча мол-мулки сотилиши керак, ушбу Қонунга мувофиқ тугатиш масчасига кирмайдиган мол-мулк бундан мустасно.

Қарздор бедарак йўқолган тақдирда жисмоний шахснинг кўчмас мол-мулкини ёки қимматли кўчар мол-мулкини доимий бошқарув зарур бўлганда хўжалик суди мазкур мақсадлар учун ишончли шахсни тайинлайди ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайди. Бу ҳолда қарздор-жисмоний шахснинг мол-мулки очиқ ким ошди савдосида сотилади.

Қарздорнинг мол-мулкини сотишдан тушган, шунингдек мавжуд нақд пул маблағлари жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик судининг депозитига киритилади.

124-модда. Кредиторларнинг талабларини кўриш

Хўжалик суди кредиторлар томонидан ушбу Қонун 122-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган муддатда билдирилган талабларни кўради. Кўриш натижалари асосида хўжалик суди кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби ва миқдори тўғрисида ажрим чиқаради.

125-модда. Кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби

Кредиторларнинг талаблари хўжалик суди депозитига киритилган пул маблағлари ҳисобидан қондирилгунга қадар банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш ва хўжалик судининг жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланади.

Кредиторларнинг талабларини навбат бўйича қондириш қуйидагича амалга оширилади:

биринчи навбатда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар хусусидаги талаблар, ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказганлик учун қарздор жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан, алимент ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларга ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича ҳисоб-китоб қилишни назарда тутувчи ҳамда муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлашга доир талаблар қондирилади;

иккинчи навбатда кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича қарздорнинг мол-мулки гарови билан таъминланган талаблари қондирилади;

учинчи навбатда бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинади.

Хар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла-тўкис бажарилганидан кейин қондирилади.

Хўжалик судининг депозитида пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда бу маблағлар тегишли навбатдаги кредиторлар ўртасида улар талабларининг суммасига мутаносиб тарзда тақсимланади.

126-м о д д а. Қарздорни мажбуриятлардан озод қилиш

Банкрот деб топилган жисмоний шахс кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугаганидан кейин кредиторларнинг жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганда билдирилган талабларини келгусида бажаришдан озод этилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талаблар бундан мустасно.

Кредиторларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоллаш тўғрисидаги талаблари, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек шахсий тусдаги, хўжалик судининг жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини ижро этиш тартибида бажарилмаган ёки қисман бажарилган ёхуд жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганида билдирилмаган бошқа талаблар ўз кучи-

да қолади ва жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили тугалланганидан кейин тегишинча тўла ҳажмда ёки қондирилмаган қисми ҳажмида билдирилиши мумкин.

Қарздор томонидан мол-мулкнинг яширилганлиги ёки унинг ўз мол-мулкни учинчи шахсларга ғайриқонуний тарзда берганлиги фактлари аниқланган тақдирда банкротлик жараёнида талаблари қондирилмай қолган кредитор ундирувни ана шу мол-мулкка қаратиш талабини тақдим этишга ҳақли.

Х боб. БАНКРОТЛИК ТАОМИЛИНИ СОДДАЛАШТИРИШ

§ 1. Тугатилаётган қарздор банкротлигининг хусусиятлари

127-модда. Тугатилаётган қарздорнинг банкротлиги

Олти ой давомида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги муносабати билан уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган қарздор-юримдик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондиришга етарли бўлмаса, бундай юримдик шахс ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда тугатиш комиссияси қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига муружаат этиши шарт.

128-модда. Тугатилаётган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриш хусусиятлари

Хўжалик суди тугатилаётган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиб, ишончли шахсни тасдиқлайди.

Кредиторлар тугатилаётган қарздорга бўлган ўз талабларини тугатилаётган қарздор банкрот деб топилганлиги тўғрисидаги эълон чоп этилган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида тақдим этишга ҳақли.

129-модда. Қарздорни банкротлик тартибида тугатишдан бош тортиш оқибатлари

Ушбу Қонун 127-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларнинг бузилиши юридик шахсларнинг давлат реестрига юридик шахс тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритишни рад этиш учун асос бўлади.

§ 2. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги

130-модда. Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза беришнинг хусусиятлари

Қарздор-жисмоний шахс ёки амалда ўз фаолиятини тугатган қарздор-юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва унинг қаердалигини аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар кредитор, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, солиқ органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мумкин.

131-модда. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриш

Хўжалик суди ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида қарор қабул қилади.

Хўжалик судининг қарори банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига юборилади, бу орган мазкур қарорни олган кундан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида хўжалик судига ишончли шахс номзодини тақдим этади. Хўжалик суди ишончли шахсни банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ходимлари орасидан тайинлаши мумкин.

Ишончли шахс ўзи аниқлаган барча кредиторларни қарздорнинг банкротлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади, улар бу хабарни олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида ишончли шахсга ўз талабларини тақдим этишлари мумкин.

Ишончли шахс қарздорнинг мол-мулкани топган тақдирда хўжалик суди унинг илтимосномасига биноан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилган банкротликнинг умумий таомилига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

XI боб. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

132-м о д д а. Банкротликка олиб келган ғайриҳуқуқий ҳаракатлар

Банкротликка олиб келган ғайриҳуқуқий ҳаракатлар дейилганда мансабдор шахсларнинг ёки қарздор мол-мулки эгаларининг ёхуд кредитор (кредиторлар) ёки бошқа шахсларнинг қасддан қилган хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ, қарздорга ёки кредиторга (кредиторларга) зарар етказган қоидабузарликлар тушунилади.

Қуйидагилар ҳам ғайриҳуқуқий ҳаракатлар жумласига киради:

қарздор мол-мулканинг ёки мажбуриятларининг ҳаммасини ёки бир қисмини яшириш;

қарздорнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳисобга олишнинг ҳар қандай ҳужжатини яшириш, йўқ қилиш, сохталаштириш;

мол-мулкни (шу жумладан пул маблағларини) яшириш мақсадида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериб юбориш;

бухгалтерлик ҳужжатларига зарур ёзувларни киритмаслик;

қарздорнинг кредитга олинган ва ҳақи тўланмаган мол-мулканинг ҳаммасини ёки бир қисмини сотиш, йўқ қилиш, гаров сифатида қўйиш;

мансабдор шахсларнинг ёки қарздор мол-мулки эгаларининг шахсий манфаатларини ёхуд учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қарздорнинг тўловга қобилиятсизлигини ошириш;

айланма маблағларни қайтармай бошқа мақсадларга ишлатиш;

кредиторларга тўланадиган тўловлардан сийлов олиш ёки тўловни бўлиб-бўлиб тўлашга эришиш учун кредиторларни чалғитиш мақсадида ўзининг ночорлигини қасддан ёлғон (сохта) эълон қилиш;

кредиторга (кредиторларга) зарар етказиш мақса.

дини кўзлаган ҳолда бошқа ҳар қандай усул билан қасддан банкротликка олиб келиш;

кредиторнинг талабларини бошқа кредиторларнинг зарарига афзалроқ қондириш, шундай қондиришга розилик бериш;

солиқлар ва қарзларни тўлашдан қочиш мақсадида қарздорнинг қасддан ўзини ўзи тугатиши.

Банкротликни келтириб чиқарган ғайриҳуқуқий ҳаракатлар қилган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари мумкин.

133-модда. Ташқи бошқарувчи, ишончли шахснинг аризаларини ва кредиторларнинг шикоятларини кўриш

Ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жа-раёнида ташқи бошқарувчи, ишончли шахс берган аризалар, шу жумладан улар билан кредиторлар ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисидаги аризалар, шунингдек кредиторларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганлиги хусусидаги шикоятлари тегишли ариза ва шикоятлар олинган кундан эътиборан икки ҳафталик муддатдан кечиктирмай ҳужжалик суди томонидан кўрилади. Уларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Ташқи бошқарувчи, ишончли шахс ва қарздорнинг ходимлари вакили ўртасидаги келишмовчиликлар ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатларда кўрилади.

Пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар таркиби, миқдори ва уларни тўлаш навбати хусусида кредиторлар, солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар билан ташқи бошқарувчи ёхуд ишончли шахс ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар ҳужжалик суди томонидан ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда кўрилади.

Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлашга доир талабларнинг таркиби ва миқдори хусусида қарздорнинг ходимлари вакили билан ташқи бошқарувчи, ишончли шахс ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар ҳужжалик суди томонидан ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда кўрилади.

Ҳужжалик судининг ажрими устидан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда шикоят қилиниши мумкин.

**ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1998 йил 28 август

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 169-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. Янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1998 йил 1 ноябрдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

**ХУЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР
ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ
БАЗАСИ ТЎҒРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 29 август

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 170-модда)**

І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларини белгилайди.

2-модда. Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3-модда. Хўжалик шартномаси тушунчаси

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда гадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизмат-

ларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади.

4-модда. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;
тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
шартнома интизомига риоя этиш;
тарафларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги.

5-модда. Хўжалик шартномаларининг субъектлари

Юридк шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар хўжалик шартномаларининг субъектлари (тарафлари) бўлади.

6-модда. Хўжалик шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари

Хўжалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўлаш;
хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қо-

нуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш.

Хўжалик шартномасининг тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

7-м о д д а. Хўжалик шартномаси тарафларининг мажбуриятлари

Хўжалик шартномаси тарафлари:

хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлашлари;

тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Хўжалик шартномаси тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

8-м о д д а. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини, шунингдек контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш ишларини мувофиқлаштириб боради;

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратиш чора-тадбирларини кўради.

9-м о д д а. Давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

хўжалик шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатади; хўжалик шартномалари ҳамда уларни бажаришнинг

аҳволи тўғрисидаги статистика маълумотларини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳужжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қилиб туради;

ҳужжалик юритувчи субъектлар юридик хизматларининг ишини ташкил этишга, юридик маслаҳатчиларнинг малакасини оширишга қўмаклашади;

ҳужжалик шартномасини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилганлиги факти аниқланган тақдирда, айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўяди.

II. ХУЖАЛИК ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ, БАЖАРИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10-модда. Хўжалик шартномасига нисбатан қўйиладиган талаблар

Хўжалик шартномаси шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизиатларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Хўжалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб қўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак.

Хўжалик шартномасини тузишда тарафлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган ҳамда ҳуқуқий экспертизадан белгиланган тартибда ўтказилганидан сўнг эълон қилинган ўзларининг намунавий ёки типовой шартларига (шакллариغا) амал қилишлари мумкин.

Контрактация шартномаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи жойлашган ерда тузилади. Контрактация шартномасида бошқа талаблар билан бир қаторда етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан кам бўлмаган миқдорда аванс тўловлари назарда тутилган бўлиши лозим.

11-модда. Хўжалик шартномасининг шакли

Хўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади. Агар шартнома тузиш таклифи ушбу Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя этилган деб ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, теле-тайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

12-модда. Хўжалик шартномасини тузиш

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида, тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

13-модда. Хажалик шартномасининг амал қилиши

Хўжалик шартномаси тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

Хўжалик шартномасининг амал қилиш муддати ту-гаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

14-модда. Хўжалик шартномасини бажариш

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса — иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Хўжалик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

15-модда. Хўжалик шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Хўжалик шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Хўжалик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки хўжалик шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси хўжалик судининг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг хўжалик шартномасини бузиши иккинчи тарафга у хўжалик шартномаси тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсдан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши хўжалик шартномасини жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса — ўттиз кунлик муддатда жа-

воб олмаганидан кейин, хўжалик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

16-модда. Ички хўжалик шартномасини тузиш

Ички хўжалик шартномаси, қонда тариқасида, хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида ёки хўжалик юритувчи субъект ва унинг ходими (бир гуруҳ ходимлари) ўртасида тузилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш юзасидан ички хўжалик шартномаларининг ўзлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тузган хўжалик шартномаларидагидан кам бўлмаган ҳажмда тузилишини таъминлашлари шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ички хўжалик шартномаларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 353—385-моддаларининг нормалари қўлланилади.

III. ХУЖАЛИК ШАРТНОМАСИ БУЙИЧА ТАЛАБНОМАЛАР ВА ДАЪВОЛАР

17-модда. Талабнома билдириш тартиби

Ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир.

Талабнома ёзма шаклда билдирилади.

Талабнома қуйидагилар кўрсатилади:

талабнома билдирган хўжалик субъектининг ва талабнома билдирилаётган хўжалик субъектининг номи;
талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;
талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар;
талабномада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;
арз қилувчининг талаблари;

таланома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари;

талабномага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Талабнома хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Юкларни ташиш ва алоқа хизматлари кўрсатишга доир операциялардан келиб чиқадиган талабномаларни транспорт ва алоқа хўжалик юритувчи субъектларига билдириш тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Талабномани кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

Ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт.

Талабномага жавоб хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Талабномага жавоб буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда хўжалик юритувчи субъект арз қилувчига ўзи тан олган суммани ихтиёрий равишда ўтказиши мумкин.

Агар талабномани тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома билдирган тараф жавоб олингандан сўнг йигирма кун муддат ўтгач, банк муассасасига қарздор тан олган суммани сўзсиз тартибда ўтказиш тўғрисидаги фармойишни тақдим этишга ҳақли. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.

19-модда. **Даъво аризасини бериш ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиш**

Тараф рад (қисман рад) жавобини олган тақдирда ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек хўжалик шартномалари юзасидан талабнома билдирмай ҳам хўжалик судига даъво аризаси бериши ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиши мумкин. Мазкур аризаларни тақдим этиш тартиби **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 102—121-моддаларининг қоидаларига кўра белгиланади.**

IV. ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАНИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ. ХУЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИ ТУҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ

20-модда. **Хўжалик шартномаси субъектларига
юримдик хизмат кўрсатиш**

Хўжалик шартномаси субъектларига юримдик хизмат кўрсатиш уларнинг юримдик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Хўжалик юримтувчи субъектларнинг юримдик хизмати: хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади; шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

хўжалик юримтувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

шартномавий муносабатларни такомиллаштириш

юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

21-м о д д а. Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада, қонда тариқасида, қўйидагилар кўрсатилади:

хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

22-м о д д а. Хўжалик шартномалари бажарилишини ўзаро текшириш

Хўжалик шартномаларининг тарафлари хўжалик шартномалари ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини ўзаро текшириб турадилар. Шартнома мажбуриятлари бузилган ҳолларда хўжалик юритувчи субъект раҳбари хўжалик шартномалари бажарилиши учун чоратадбирлар кўриши, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, шунингдек зарур ҳолларда айбдор шахсни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

23-м о д д а. Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни қонунларга

мувофиқ прокуратура органлари амалга оширадilar. Бу органлар айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадilar.

Адлия органлари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар, шунингдек ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларининг бажарилиши жараёнини назорат қиладилар.

V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

24-модда. Хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, ушбу Қонунда, ўзга қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу Қонуннинг 25—32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

25-модда. Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажар-

рилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

26-м о д д а. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик

Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга), қонун ҳужжатларида ёки ҳужжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги даололатнома тузилгандан кейин ўн кундан кечиктирмай тақдим этилади. Жаримани ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

27-модда. Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик

Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи (буюртмачи) бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

28-модда. Товарларни марка белгисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун жавобгарлик

Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировкаланмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

29-модда. Аккредитивдан фойдаланмаганлик учун жавобгарлик

Товар етказиб берувчи (пудратчи, талабига биноан жўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса, етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

30-модда. Тўлов, товар-транспорт ҳужжатларини юборишни кечиктирганлик учун жавобгарлик

Жўнатилган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик ёки товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

31-модда. Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик

Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

32-модда. Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик

Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бу-

тунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-ки-тобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чекни бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

33-модда. Маблагларни акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун жавобгарлик

Ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарилган сумманинг 10 фоизи миқдоридан жарима тўланди.

34-модда. Зарарни қоплаш

Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

Кўрилган зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан тараф қилган харажатлар, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар кирди.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди, қонун ҳужжатлари-

да ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

35-модда. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги

Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қондабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176¹, 176², 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

36-модда. Низоларни ҳал этиш тартиби

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан — ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«ХУЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР
ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ
БАЗАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1998 йил 29 август

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 171-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:

1. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини 1998 йил 1 ноябрдан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштиради, республика вазирликлари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мазкур Қонунга алоқадор бўлган норматив ҳужжатлар, шунингдек хўжалик шартномалари шакллариининг намуналарини илова қилган ҳолда чоп этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА
ДЕПОЗИТАРИЙЛАР ФАОЛИЯТИ ТУҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 29 август

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 172-модда)

1-м о д д а. Мазкур Қоиуннинг мақсади

Мазкур Қонуннинг мақсади қимматли қоғозлар бозорида депозитарийларнинг корпоратив қимматли қоғозларга доир фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туришдан иборат.

2-м о д д а. Асосий тушунчалар

Мазкур Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

корпоратив қимматли қоғозлар (бундан буён матнда **қимматли қоғозлар** деб юритилади) — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд ёки нақд бўлмаган ҳолда чиқарилган қимматли қоғозлар;

нақд қимматли қоғозлар — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ҳужжатлари шаклида тайёрланган ва муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар;

нақд бўлмаган қимматли қоғозлар — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарийларнинг ҳисобга олиш рўйхатларидаги ёзув шаклида муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар;

қимматли қоғозларнинг ҳисобга олиш рўйхатлари — қимматли қоғозларни депозитарийда сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш бўйича депозитар операциялар стандартлари билан белгиланган ёзувлар тизими;

қимматли қоғозлар ҳаракати — депозитарийларнинг ҳисобга олиш рўйхатларида қайд қилинадиган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг ўтиши;

қимматли қоғозлар депозитарийлари — (бундан буён матнда депозитарийлар деб юритилади) — қимматли

қоғозларни сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш бўйича фаолият юритувчи қимматли қоғозлар бозори институтлари;

қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси (бундан буён матнда **Марказий депозитарий** деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси депозитарийларида қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш ва қимматли қоғозлар ҳаракатининг ягона тизимини таъминловчи депозитарий;

қимматли қоғозлар эгаси — қимматли қоғозлар унга мулк ҳуқуқни асосида ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган шахс;

депонент — депозитарий билан қимматли қоғозларни сақлаш ва унинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқини ҳисобга олиш ҳақида шартнома тузган жисмоний ёки юридик шахс;

депо ҳисобварағи — депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олишга мўлжалланган депозитарийнинг ҳисобга олиш рўйхатларидаги жами ёзувлар;

гувоҳнома — депо ҳисобварағидан кўчирма бўлиб, депонентнинг тегишли ҳуқуқларини тасдиқлайди;

қимматли қоғозлар билан депозитар операциялар (бундан буён матнда **депозитар операциялар** деб юритилади) — қимматли қоғозларни сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича депозитарийлар томонидан ҳисобга олиш рўйхатларида амалга ошириладиган операциялар;

депозитар операциялар стандартлари — депозитар операциялар ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлари ва қондалари;

депозитар шартнома — депозитарий билан депонент ўртасида ёзма шаклда тузиладиган, қимматли қоғозларни сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб турувчи шартнома;

ваколатли давлат органи — қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ваколати давлат томонидан берилган орган.

3-модда. **Депозитарийлар фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фао-

лияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

4-модда. Депозитарийлар тузилиши

Депозитарийлар жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан чет эл жисмоний ва юридик шахслари томонидан, юридик шахснинг исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган бапklar, реестр эгалари тегишли лицензия асосида қимматли қоғозлар бозорида депозитарий сифатида фаолият кўрсатишлари мумкин.

Депозитарий устав фондининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида тегишли юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига нисбатан белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

5-модда. Депозитарийларнинг филиаллари

Депозитарий филиаллар очиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар депозитарийнинг алоҳида бўлинмалари деб ҳисобланади.

Депозитарий филиали ўз фаолиятини уни тузган депозитарий тасдиқлаган низом асосида, унинг раҳбари эса — тегишли ишончнома асосида амалга оширади. Депозитарий филиали уни тузган депозитарийга берилган лицензияда назарда тутилмаган депозитар хизматлар кўрсатиши мумкин эмас.

6-модда. Депозитарийлар фаолиятига лицензия бериш

Депозитарийлар Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширадilar. Лицензияда рухсат берилган депозитар хизматлар рўйхати кўрсатилади.

Лицензия бериш, уни қайтариб олиш ёхуд унинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши шарт.

7-м о д д а. Депозитарийнинг фаолиятини тугатиш

Депозитарийнинг фаолиятини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Депозитарийнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ўн кунлик муддат ичида матбуотда тегишли ахборот эълон қилинади.

Ўз фаолиятини тугатаётган (тугатилаётган) депозитарийда сақланаётган қимматли қоғозлар ва ҳисобга олиш рўйхатлари депонентнинг қарорига биноан бир ҳафталик муддат ичида бошқа депозитарийга ўтказилади, бундай қарор мавжуд бўлмаган ҳолларда эса — ваколатли давлат органи томонидан (ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда тугатиш комиссияси томонидан) белгиланган муддатларда, депонентлар томонидан танланган депозитарийларга кейинчалик ўтказиш учун — Марказий депозитарийга ўтказилади.

8-м о д д а. Депозитарийлар тизими

Депозитарийлар тизими Ўзбекистон Республикаси ҳудудида икки босқичли бўлиб, улар Марказий депозитарийни ва депозитарийларни ўз ичига олади.

Ҳар бир депозитарий давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия олгандан сўнг ваколатли давлат органи тасдиқлаган тартибда Марказий депозитарийда вакиллик ҳисобварағини очиши керак.

Депозитарийлар ўз депонентларининг Марказий депозитарий вакиллик ҳисобварақларида жамлаб ҳисобга олиб бориладиган нақд бўлмаган қимматли қоғозларига бўлган ҳуқуқлар ҳисобини юритадилар, шунингдек нақд қимматли қоғозларни сақлашни амалга оширадilar ва улар бўйича ҳуқуқлар ҳисобини юритадилар.

9-м о д д а. Марказий депозитарий

Марказий депозитарий қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат унитар корхонаси сифатида тузилади.

Марказий депозитарий ўз фаолиятини хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар ва бошқа тушумлар ҳисобига амалга оширади.

Марказий депозитарий хизматлари учун олинадиган тарифлар миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

10-м о д д а. **Марказий депозитарийнинг мутлақ вази­фалари**

Марказий депозитарий мутлақ вази­фалари қуйида­гилардан иборат:

чиқарилган нақд бўлмаган қимматли қоғозларни сақ­лаш;

давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлашти­рилган объектларнинг нақд қимматли қоғозларнинг улар сотиб олингунга қадар бўлган даврда сақлаш;

нақд ва нақд бўлмаган қимматли қоғозларга шисба­тан давлат ҳуқуқларини ҳисобга олиш;

депозитарийларнинг вакиллик ҳисобварақларини юритиш;

биржа ва биржадан ташқари савдолар қатнашчила­рининг қимматли қоғозлари савдоларга қўйилишидан олдин улар борлигини ва ҳақиқий эканлигини тасдиқ­лаш;

савдоларда тузилган битимларга мувофиқ биржа ва биржадан ташқари савдолар қатнашчиларига қимматли қоғозлар етказиб берилишини таъминлаш;

нақд ва нақд бўлмаган қимматли қоғозлар муомала­га чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни сақ­лаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентлар томонидан, шунингдек қимматли қоғозларнинг хорижий фонд бозорларида Ўзбекистон Республикаси резидент­лари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни ҳи­собга олиш;

депозитарийлар тизимида қимматли қоғозлар ҳара­кати тўғрисидаги ахборотларни жамлаш ва тартибга со­либ туриш.

11-м о д д а. **Қимматли қоғозлар бозорида депозита­рийлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш**

Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фао­лиятини тартибга солиш ва назорат қилиш қонун ҳуж­жатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат ор­гани томонидан амалга оширилади.

Депозитар операциялар стандартларини ишлаб чи­қиш, тасдиқлаш ва депозитарийлар уларга риоя этиши-

ни назорат қилиш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Депозитарийлар ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартиб ва муддатларда депозитар операцияларга оид ҳужжатларни ўз архивларида сақлашга мажбурлар.

12-м о д д а. Депозитар хизматлар

Депозитарийлар ўз фаолиятларини амалга ошириш чоғида депозитар операциялар стандартларига мувофиқ қўйидаги хизмат турларини кўрсатадилар:

қимматли қоғозларни сақлаш;

нақд ва нақд бўлмаган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш ва тегишли гувоҳнома бериш йўли билан буни тасдиқлаш;

қимматли қоғозлар зиммасига мажбуриятлар юкланган ҳолатларни, шунингдек улар тугатилган ҳолатларни ҳисобга олиш.

13-м о д д а. Қимматли қоғозлар бозорида депозитарий фаолиятини фаолиятнинг бошқа турлари билан қўшиб олиб бориш

Қимматли қоғозларни сақлайдиган депозитарий қимматли қоғозлар эгасининг топшириғи асосида қимматли қоғозлар эгалари реестрида қимматли қоғознинг номинал эгаси сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Депозитарий ўз фаолиятини қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш фаолияти билан қўшиб олиб бориши мумкин, бунда у қимматли қоғозларнинг номинал эгаси ҳисобланмайди.

Депозитарий ўз фаолиятини қимматли қоғозлар бозорида бошқа фаолият турлари билан қўшиб олиб бориши мумкин эмас, қимматли қоғознинг номинал эгаси сифатидаги фаолият, шунингдек қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш фаолияти бундан мустасно.

14-м о д д а. Депозитарийлар тизимида қимматли қоғозлар ҳаракати

Ваколатли давлат органи барча қимматли қоғозларнинг чиқарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар аслининг

бир нухасини Марказий депозитарийга берилишини таъминлайди. Марказий депозитарий депозитар операциялар бўйича белгиланган стандартларга мувофиқ ҳисобга олиш рўйхатларини тўлдириш йўли билан қимматли қоғозларнинг ҳисобга олинишини амалга оширади.

Депозитарийлар тизимида қимматли қоғозлар ҳаракати ушбу Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ ваколатли давлат органи тасдиқлайдиган тартибда амалга оширилади.

15-м о д д а. Депонентнинг ҳуқуқлари

Депонент қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

депозитарийдаги ўзининг депо ҳисобварағида бўлган қимматли қоғозларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва доирада тасарруф этиш. Депонентда депозитарийда ҳисобга олинмаган қимматли қоғозларни тасарруф этиш ҳуқуқи қимматли қоғозлар унинг депо ҳисобварағига киритилган пайтдан эътиборан вужудга келади;

депозитарийга ўз депо ҳисобварағи бўйича операцияларни амалга ошириш юзасидан топшириқ бериш (учинчи шахслар олдида зиммасига мажбуриятлар юкланган қимматли қоғозларни уларга юкланган мажбуриятлар туфаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмай туриб ўтказиш тўғрисидаги фармойиш бундан мустасно), сўров киритиш, топшириқлар бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни талаб қилиш;

ўзига тегишли нақд қимматли қоғозларни сақлаш ва исталган депозитарийга нақд ва нақд бўлмаган қимматли қоғозларга нисбатан мулк эгаллиги ҳуқуқини ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳисобга олишни топшириш;

депозитар шартнома тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилгунга қадар депозитарийда қимматли қоғозларни сақлаш ва ҳисобга олиш қоидалари билан танишиш;

депозитар шартнома шартларига мувофиқ ўз депо ҳисобварағининг ҳолати ҳақида гувоҳнома олиш ва ўзининг депо ҳисобварағи бўйича депозитарий томонидан ўтказилган операциялар тўғрисида ҳисобот олиш.

Депонент қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

16-м о д д а. Депонентнинг мажбуриятлари

Депонент қуйидагиларга мажбурдир:

ўзининг ваколатли шахсининг ваколоти тугатилиши ёки ўзгариши тўғрисида депозитарийни хабардор қилиш;

ўз реқвизитларидаги барча ўзгаришлар ҳақида депозитарийга хабар бериш;

депозитарийнинг ёзма хабарлари тўғрилигини ва тўлалигини текшириш, агар ноаниқликлар борлиги аниқланадиган бўлса, улар ҳақида депозитарийни ўз вақтида хабардор қилиш.

Депонент қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17-м о д д а. Депозитарийнинг ҳуқуқлари

Депозитарий қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

белгиланган тартибда нақд қимматли қоғозларнинг ҳақиқийлигини текшириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд қимматли қоғозларни инкассация қилиш ва ташиш;

депонентларнинг топширигига биноан уларга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадларни ўтказиш.

Депозитарий қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

Депозитарий қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзига сақлаш учун берилган мулкдан қимматли қоғозлар сифатида фойдаланиш ёки депо ҳисобварақларидан депонентнинг рухсатсиз қимматли қоғозларни ўтказиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ўзи чиқарган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқ ҳисобини юритиш;

қимматли қоғозлар билан олди-сотди, воситачилик, тоншириқ, ҳадя, айирбошлаш шартномаларини ва бошқа турдаги битимларни тузиш, депозитарийнинг ўзи чиқарган қимматли қоғозларга доир битимлар бундан мустасно.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Марказий депозитарий қуйидагиларга ҳам ҳақли эмас:

давлатга тегишли бўлмаган нақд ва нақд бўлмаган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқ ҳисобини юритиш,

ушбу Қонуннинг 7 ва 10-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар реестрини юритиш;

бошқа юридик ва жисмоний шахсларга молиявий ёрдам кўрсатиш;

бошқа юридик шахсларнинг устав жамғармасида қатнашиш.

18-модда. Депозитарийнинг мажбуриятлари

Депозитарий қуйидагиларга мажбурдир:

ўзига сақлаш учун топширилган нақд ва нақд бўлмаган қимматли қоғозларнинг сақланишини таъминлаш;

ҳар бир депонентга тегишли қимматли қоғозларнинг турлари, сони ва номинал қийматини ҳисобга олиб бориш;

қимматли қоғозлар зиммасига мажбуриятлар юклатилган ҳоллар ва улар тугатилган ҳоллар ҳисобини юритиш;

депонентларнинг ёзма топшириқлари асосида депонентларга эмитентдан ёки реестр эгасидан олинган акциядорлар йиғилиши, дивидендлар тўланиши ва бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотни етказиш;

депо ҳисобварақлари бўйича операцияларни фақат ўз депонентларининг ёзма топшириқлари асосида амалга ошириш;

депо ҳисобварақлари ҳолатига ўзгартишлар киритишга асос ҳисобланувчи барча бирламчи ҳужжатларни сақлаш;

депонентнинг қимматли қоғозларга мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларини тегишли гувоҳнома бериш билан тасдиқлаш;

депо ҳисобварағининг ҳолати ва ундаги ўзгартишлар тўғрисидаги ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

депо ҳисобварағи бўйича операцияларни ваколатли давлат органи, монополияга қарши кураш давлат органи, шунингдек суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қарорлари асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатиш;

ваколатли давлат органининг талабига биноан ўзининг фаолиятига тааллуқли маълумотларни қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган доирада тақдим этиш.

Депозитарий қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19-м о д д а. **Депозитарийларда қимматли қоғозлар сақланишининг кафолати**

Депозитарийларда қимматли қоғозларнинг сақланиши уларни қимматли қоғозларни сақлашга доир талабларга жавоб берадиган қимматли қоғозларни сақлаш жойларида сақлаш ва ҳисобга олиш рўйхатларини депозитар операциялар стандартларига мувофиқ ҳолда юритиш орқали таъминланади.

Марказий депозитарийда сақланаётган ва ҳисобга олинаётган қимматли қоғозларнинг сақланиши шунингдек Марказий депозитарийнинг маълумотлари мажмуида қўшимча сақлаб турилиши, техник тизимларда узилиш юз берганда ва қутилмаган вазиятлар вужудга келганда Марказий депозитарий маълумотлари мажмуини тезкор тиклаш орқали таъминланади.

Ваколатли давлат органи қимматли қоғозларнинг депозитарийларда сақланиши ва уларга бўлган ҳуқуқ ҳисоби юритилиши ишончлилигини таъминлашга доир қўшимча талабларни белгилаши мумкин.

20-м о д д а. **Ахборотнинг махфийлиги**

Депозитарийлар депо ҳисобварақларидаги операцияларнинг махфийлигини кафолатлайди. Депозитарийларнинг барча хизматчилари депо ҳисобварақларидаги операцияларни сир тутишлари шарт.

Депозитарийнинг депонентлари тўғрисидаги, депо ҳисобварақларининг ҳолати ҳақидаги, депо ҳисобварақларида амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек уларни ўтказиш чоғида депозитарийга уларни махфий сақлаш зарурлиги ёзма равишда кўрсатилган бошқа маълумотлар махфий ахборот ҳисобланади ва қонун билан қўриқланади.

Жисмоний шахсларнинг депозитар операциялари ҳамда депо ҳисобварақлари бўйича маълумотномалар қимматли қоғозлар эгаларининг ўзларига ёки номинал эгаларига ҳамда уларнинг қонуний вакилларига берилади, шунингдек судларга, суриштирув ва тергов органларига улар ихтиёридаги ишлар юзасидан, депонентларнинг депо ҳисобварақларида бўлган қимматли қоғозла-

ри хатланиши, ундирувга қаратилиши ёки мусодара қилиш қўлланилиши мумкин бўлган ҳолларда берилади.

Депозитар операциялар ва депо ҳисобварақлари юзасидан маълумотномалар уларнинг эгалари вафот этган тақдирда меросхўрларига ёки депо ҳисобварағи эгаси томонидан кўрсатилган шахсларга, мерос ишларини кўриб чиқаётган нотариал идораларга, чет эл фуқаролари масаласида эса — чет эл консуллик муассасаларига берилади.

Юридик шахсларнинг депозитар операциялари ҳамда депо ҳисобварақлари юзасидан маълумотномалар юридик шахсларнинг ўзларига, прокурорга, судларга берилади, суриштирув ва тергов органларига эса — қўзғатилган жиноий иш мавжуд бўлган ҳолларда берилади.

Махфий ахборотни ошқора этганликлари учун бундай ахборотдан хабардор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

21-модда. Депозитарийнинг жавобгарлиги

Депозитарий қуйидаги ҳолларда ўз депонентлари олдида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир:

депо ҳисобварақларида қимматли қоғозлар эгалари ва уларга тегишли қимматли қоғозлар тўғрисидаги ёзувлар йўқотилганда. Депозитарий ўз ҳисобидан йўқотилган ёзувларни тиклайди;

депонентларнинг нақд қимматли қоғозлари депозитарийнинг сақлаш жойларида тегишлича сақланмаганлиги оқибатида улар йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келганда. Депозитарий кўрсатилган қимматли қоғозларни тайёрлашга кетадиган харажатларни қоплайди ёки ўз ҳисобидан янгиларини тайёрлайди;

қимматли қоғозлар чиқарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни ва ҳисобга олиш рўйхатларидаги ёзувларни лозим даражада сақламаганда ва бу уларнинг йўқолиши ёки яроқсиз ҳолга келишига сабаб бўлганда. Депозитарий ўз ҳисобидан кўрсатилган ҳужжатларни ва қимматли қоғозларнинг ҳисобга олиш рўйхатларини тиклайди;

депонентларга тегишли қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқи ўз вақтида ва лозим даражада ҳисобга олинмаганда. Депонент кўрсатилган хизматлар учун депозитарий шартномасида белгиланган миқдорда тўловларни камайтириш ҳуқуқига эга;

унинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги депонент ўзига тегишли қимматли қогозлар билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга ошира олмаслигига олиб келганда. Депозитарий депонентга зарарни, шу жумладан бой берилган фойда-ни тўла ҳажмда тўлайди;

депозитар шартнома шартларини бузганда.

22-м о д д а. Низоларни ҳал этиш

Депозитарий билан депонент ўртасидаги низолар суд тартибида ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хакамлар муҳокамасида ҳал этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА
ДЕПОЗИТАРИЙЛАР ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1998 йил 29 август

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 173-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

1. «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 29 август

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 174-модда)

1-м о д д а. Мазкур Қонуннинг мақсади

Мазкур Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришдан иборатдир.

2-м о д д а. Асосий тушунчалар

Мазкур Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

автомобиль транспорти — таркибига юридик ва жисмоний шахслар кирувчи, иқтисодиёт ва аҳолининг йўловчилар, багаж ва юкларни, шу жумладан почтани (бундан кейин — йўловчилар, багаж ва юклар деб юритилади) автомобилда ташишга бўлган эҳтиёжларини таъминловчи ишлаб чиқариш-технология мажмуи;

автотранспорт воситалари — йўловчилар, багаж, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар;

ташувчи — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида автотранспорт воситасига эга бўлган, тижорат асосида йўловчилар, багаж, юклар ташиш хизматини кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

мижоз (йўловчи, юк олувчи, юк жўнатувчи) — тузилган ташиш шартномасига мувофиқ ташувчининг хизматларидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс.

3-м о д д а. Автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжат-

лари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидаги иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида автомобиль транспорти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Шаҳар йўловчиларини ташиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуни билан ҳам тартибга солинади.

Йўловчилар, багаж ва юклар ташиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

4-м о д д а. Автомобиль транспортининг мулк шакллари

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти хусусий ва оммавий мулк асосида фаолият кўрсатиши мумкин. Автомобиль транспортининг барча мулкдорлари тенг ҳуқуқларга эгадирлар ва қонун ҳимоясидан баббаравар фойдаланадилар.

5-м о д д а. Автомобиль транспорти ерлари

Автомобиль транспорти фаолиятини таъминлаш учун ерлар ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилади.

6-м о д д а. Автотранспорт воситаларини таснифлаш

Автотранспорт воситалари йўловчилар автотранспорти, юк автотранспорти ва махсус автотранспорт воситаларига бўлинади.

Йўловчилар автотранспорти воситалари жумласига автобуслар, микроавтобуслар, енгил автомобиллар, йўловчилар ташиладиган тиркамалар ва ярим тиркамалар кирази.

Юк автотранспорти воситалари жумласига юк автомобиллари, шатакчи автомобиллар, тиркамалар ва ярим тиркамалар киради. Конструктив жиҳатларига ҳамда қай мақсадларда фойдаланилишига кўра юк автотранспорти воситалари умумий ва махсус транспорт воситаларига бўлинади.

Махсус автотранспорт воситалари жумласига турли махсус ишларни, кўпроқ нотранспорт ишларини бажаришга мўлжалланган автомобиллар, тиркамалар ва ярим тиркамалар (ўт ўчириш автомобиллари, компрессор қурилмали автомобиллар, автокранлар, супуриш-сидириш ҳамда чиқинди ташиш автомобиллари ва ҳоказолар) киради.

7-м о д д а. Автомобилда ташиш турлари

Автомобилда ташишлар шаҳардаги, шаҳар атрофидаги, шаҳарлараро ва халқаро ташишга бўлинади.

Шаҳардаги ташишлар жумласига шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасида амалга ошириладиган ташишлар киради.

Шаҳар атрофидаги ташишлар жумласига шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасидан эллик километргача ташқарида амалга ошириладиган ташишлар киради.

Шаҳарлараро ташишлар жумласига шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасидан эллик километрдан ошиқ масофада амалга ошириладиган ташишлар, шунингдек йўналиш масофасидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг икки ёки ундан ортиқ вилояти ҳудудида амалга ошириладиган ташишлар киради.

Халқаро ташишлар жумласига йўналиш масофасидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегараси ташқарисидан амалга ошириладиган ташишлар киради.

8-м о д д а. Йўловчилар, багаж ва юкларни халқаро ташиш

Йўловчилар, багаж ва юкларни автомобилда халқаро ташишлар, шу жумладан транзит ташишлар халқаро ҳамда транзит алоқа учун очиқ автомобиль йўллари орқали Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

9-модда. Автомобиль транспорти фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш

Автомобиль транспорти фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш сертификатлаш, лицензиялаш, солиқ солиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташишлар учун тарифларни шакллантириш, ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Автомобиль транспортининг давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси автомобиль транспортини бошқариш бўйича ваколат берган давлат органи томонидан, шунингдек давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ташувчиларнинг хўжалик фаолиятига аралаштиришга, шунингдек уларнинг эксплуатация хизмати ходимларини бошқа ишларга жалб этишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10-модда. Автомобиль транспортини бошқарувчи давлат органининг асосий ваколатлари

Автомобиль транспортини бошқарувчи давлат органининг асосий ваколатлари қуйидагилардан иборат:

автомобилда ташишларни ташкил этиш ва такомиллаштиришга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

автомобиль транспортини ривожлантириш миллий дастурлари концепциясини ишлаб чиқиш;

республика ва аҳолининг ташишларга бўлган давлат эҳтиёжлари истиқболини ишлаб чиқиш;

автомобиль транспорти соҳасида ягона инвестиция, илмий-техника ва ижтимоий сиёсатни шакллантириш ва юритиш;

автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

йўловчилар, багаж ва юклар ташишни лицензиялашни ташкил этиш ва такомиллаштириш;

ташувчилар ва мижозларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш-ни ташкил этиш;

автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш;

автомобиль транспорти соҳасида халқаро ҳамкорлик-ни амалга ошириш.

Автомобиль транспортини бошқарувчи давлат орга-ни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11-модда. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари-нинг асосий ваколатлари

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг автомо-биль транспорти соҳасидаги асосий ваколатлари қуйида-гилардир:

автомобиль транспортини ривожлантириш комплекс минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оши-риш;

автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга, барча ташувчиларнинг фаолияти учун тенг шароитлар яратишга кўмаклашиш;

автомобиль транспортининг моддий-техника ва иж-тимоий негизини мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қонун ҳуж-жатларига мувофиқ автомобиль транспорти соҳасида бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12-модда. Автотранспорт воситаларини стандарт-лаш, метрология жиҳатидан таъминлаш ва сертификатлаш

Автотранспорт воситалари хавфсизлик, меҳнатни му-ҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек стан-дартлар ва техник шартларга, тиббий-санитария ва ён-ғинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим.

Автотранспорт воситаларини стандартлаш, метроло-гия ва сертификатлаш ишларини ташкил этиш, мувофиқ-лаштириш ва таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стан-дартлаш, метрология ва сертификатлаш маркази ҳамда бошқа давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари-га мувофиқ амалга оширилади.

Сертификатлашдан ўтмаган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган автотранспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

13-модда. Автомобилда ташишларни лицензиялаш

Автомобилда ташишлар ташувчилар томонидан махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади.

Автомобилда ташишлар учун лицензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

14-модда. Автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи

Автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи тегишли малакага эга бўлган ва тиббий текширувдан ўтган жисмоний шахсга берилади. Автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи белгиланган намунадаги ҳужжат билан тасдиқланади.

Саломатлигига кўра автотранспорт воситасини бошқаришга яроқли ёки яроқсиз эканлиги мезони Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Автотранспорт воситаларини бошқаришга доир малака талаблари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

15-модда. Йўловчилар, багаж ва юклар ташиш шартномаси

Йўловчилар, багаж ва юклар ташиш шартлари ва томонларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи ташиш шартномаси асосида ташилади.

Йўловчилар, багаж ва юкларни ташиганлик учун ташиш шартномасида белгиланган ҳақ олинади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ автомобилда ташишларнинг айрим турлари учун давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан тартибга солувчи тарифлар белгиланиши мумкин. Тартибга солувчи тарифлар бўйича ташишлар муносабати билан ташувчиларнинг харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ташувчиларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилган, шу жумладан бепул юриш ҳуқуқи берилган фуқароларнинг айрим тоифаларини ташиш билан боғлиқ харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қопланади.

Автомобиль транспортида йўловчилар, багаж ва юкларни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш ягона транспорт ҳужжатидан ҳамда шундай ташишни ташкил этиш тартибидан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётган пайтда юзага келадиган муносабатлар ташувчилар ўртасидаги битим билан тартибга солинади.

Аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатувчи автовокзаллар ва йўловчилар бекатлари қуриш ташувчилар, давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

16-модда. Фавқулодда ҳолатларда автомобиль транспортининг иши

Фавқулодда ҳолатлар (зилзила, тошқин, ёнғин, эпидемия ва бошқа табиий офатлар) юзага келган тақдирда ташувчилар ва миқозлар ўртасидаги шартнома муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорига биноан табиий офатлар ёки уларнинг оқибатларини тугатиш даврида тўхтатиб турилиши мумкин.

Ташувчиларнинг фавқулодда ҳолатларда, шунингдек сафарбарлик ҳолатини, фуқаро мудофааси ва авария-қутқарув ишларига оид тадбирларни таъминлаш билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга доир харажатлари давлат бюджетидан қопланади.

17-модда. Ташувчининг ҳуқуқлари

Ташувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

умумий фойдаланишдаги барча автомобиль йўллари, шунингдек идораларга қарашли умумий фойдаланиш учун очиқ автомобиль йўллари орқали ўтиш;

жўнатилаётган юк ўз сертификатига мувофиқ эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;

фуқаролар ҳаётига, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳ-

дид солувчи, экология ва санитария нормалари бузилишига ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларга сабаб бўлувчи ҳолатларда ташишдан воз кечиш.

Ташувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18-модда. Ташувчининг мажбуриятлари

Мижозга хизмат кўрсатиш чоғида ташувчи: ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши; сертификатга эга бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинган ишга яроқли транспорт воситаларидан фойдаланиши;

ташиш шартномаси шартларига риоя қилиши; йўловчилар, багаж ва юклар ташишнинг белгиланган қоидаларига риоя қилиши;

йўловчи, багаж ёки юкни тайинланган жойига ташиш шартномасида белгиланган муддатда элтиб қўйиши. Агар элтиб қўйиш муддати ташиш шартномасида белгиланмаган ва назарда тутилмаган бўлса, элтиб қўйиш оқилона муддатларда амалга оширилиши лозим;

йўловчининг хавфсизлигини, хизмат кўрсатишнинг зарур қулайликлари ва шартларини таъминлаши;

багаж ва юкларнинг ташишга қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб олувчига берилгунга қадар сақланишини таъминлаши;

йўл ҳаракати хавфсизлиги ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;

ташувчи ташишни давом эттиришдан бош тортган тақдирда мижоз кўрган зарарни қоплаши;

автомобилда ташишлар бўйича белгиланган тартибга мувофиқ ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш ишларини юритиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

19-модда. Мижознинг ҳуқуқлари

Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ташувчи тўғрисида зарур бўлган ахборотни олиш; ташувчини эркин танлаш ва ташиш учун шартнома тузиш;

қоидаларда ёки ташиш шартномасида белгиланган

тарзда ташувчи томонидан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишидан баҳраманд бўлиш;

ташиш туфайли етказилган зиённи ва маънавий зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлаттириш ва қоплаттириш;

ташиш шартномасида кўрсатиб ўтилган шартлар ташувчи томонидан бузилган тақдирда хизматлар кўрсатилишидан воз кечиш;

ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

Йўловчилар ташиш чоғида йўловчи қўйидаги ҳуқуқларга ҳам эга:

йўловчилар ташиш учун очиқ бўлган ҳар қандай йўналишга чипта сотиб олиш, чиптада белгиланган жойни эгаллаш;

шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги автобусларда етти ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бепул олиб юриш;

шаҳарлараро ва халқаро йўналишлардаги автобусда беш ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш, беш ёшдан ўн ёшгача бўлган бола учун алоҳида жой берилган ҳолда чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олиш ва ўн ёшгача бўлган икки ёки ундан ортиқ бола олиб юрилганда улардан бири бепул олиб юрилади, қолганлари учун — алоҳида жой берилган ҳолда чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олинади;

шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида йигирма килограммдан ошмайдиган оғирликдаги багажни, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда — белгиланган ўлчамлардаги багажнинг бир ўрнини ўзи билан бепул, кўрсатиб ўтилган нормалардагидан ортиқча багажни эса — ҳақ эвазига олиб юриш;

ташиш бошланмасидан олдин чиптани топшириш ва унинг учун тўланган суммани қайтариб олиш. Тўланган сумманинг ташувчи томонидан қайтарилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

йўловчиларни ташувчи рейслар кечиккан ёки бекор қилинган тақдирда етказилган зиённи ва маънавий зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлаттириш ва қоплаттириш.

Ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи

хатбошиларида берилган имтиёزلарни татбиқ қилиш
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томони-
дан белгиланган тартибда ташувчининг маблағлари ҳи-
сбидан амалга оширилади.

20-м о д д а. Мижознинг мажбуриятлари

Мижоз:

ташиш шартномаси шартларига риоя қилиши;

ташиш қоидаларида ўзига қўйилган талабларни ба-
жариши;

ташилаётган юкнинг ташиш шартномасига мувофиқ-
лигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни ташувчининг
талабига биноан тақдим этиши;

автотранспорт воситаларининг ташилиши лозим бўл-
ган юк ёки багаж ёнига бемалол ва хавфсиз кириб бо-
ра олишини таъминлаши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маж-
буриятларни бажариши шарт.

21-м о д д а. Ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик

Ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбурият-
ларни бажармаган ёки тегишли даражада бажармаган
тақдирда, томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жа-
вобгар бўладилар.

Томонларнинг қонунда белгилаб қўйилган жавобгар-
ликни чеклаш ёки бартараф этиш ҳақидаги битими ҳа-
қиқий эмас.

22-м о д д а. Юк ёки багаж йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган (бузилган) ҳолларда та- шувчининг жавобгарлиги

Агар ташувчи юк ёки багажнинг йўқолиши, кам чи-
қиши ёки шикастланишида (бузилишида) ўзининг айби
йўқлигини исботлай олмаса, ташиш учун қабул қилиб
олган юк ёки багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки
уларга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун жа-
вобгар бўлади.

Юк ёки багажни ташиш вақтида етказилган зарар
йўқотилган, кам чиққан ёки шикастланган (бузилган)
юк ёки багаж қийматн, шунингдек ташувчи йўқолган,

кам чиққан ёки шикастланган (бузилган) юк ёки багажни элтиб бериш учун мижоздан олган кира ҳақи қиймати миқдорида, агар бу кира ҳақи юк ёки багажнинг баҳосига кирмаса, ташувчи томонидан қопланади.

Мижоз ташувчидан юк йўқолгани, кам чиққанлиги ёки шикастлангани (бузилгани) туфайли етказилган бошқа зарарлар ҳам қопланишини талаб қилишга ҳақли.

23-модда. Ташувчининг юк ташиш учун автотранспорт воситасини бермаганлиги ёки ўз вақтида бермаганлиги учун жавобгарлиги

Ташувчи ташиш шартномасига мувофиқ юк ташиш учун автотранспорт воситасини бермаганлиги ёки ўз вақтида бермаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Агар автотранспорт воситасини бермаганлик ёки ўз вақтида бермаганлик енгиб бўлмас куч, ҳарбий ҳаракатлар, муайян йўналишда юк ташиш тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, ташувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликдан озод қилинади.

24-модда. Юк ташиш учун ташувчи томонидан берилган автотранспорт воситасидан фойдаланмаганлик учун мижознинг жавобгарлиги

Юк ташиш учун ташиш шартномасига мувофиқ берилган автотранспорт воситасидан фойдаланмаганлик учун мижоз қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Агар бу енгиб бўлмас куч, ҳарбий ҳаракатлар, муайян йўналишда юк ташиш тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, мижоз қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликдан озод қилинади.

25-модда. Йўловчини жўнатиб юбориш кечиктирилгани учун ташувчининг жавобгарлиги

Йўловчиларни ташиш учун автотранспорт воситасини жўнатиш кечиктирилган ёки у белгиланган манзилга кечикиб келган тақдирда (шаҳар ва шаҳар атрофида ташишлар бундан мустасно), ташувчи, агар кечиктириш ёки кеч етиб бориш ташувчига боғлиқ бўлмаган ҳолат-

лар туфайли юз берганлигини исботлай олмаса, йўловчига жарима тариқасида неустойка тўлайди. Жарима миқдори ва уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Йўловчига жарима тўлаш ташувчини автотранспорт воситаси кечиктирилиши ёки кеч етиб бориши туфайли йўловчи кўрган зарарни унга тўлашдан озод этмайди.

Автотранспорт воситаси кечиктирилганлиги сабабли йўловчи унда жўнашдан воз кечган тақдирда, ташувчи йўловчига кира ҳақини ва у қилган бошқа харажатларни қайтариши шарт.

26-модда. Йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги

Ташувчи ташиш пайтида йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун, агар у шикаст жабрланувчининг қасди ёки енгиб бўлмас куч туфайли юз берганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

27-модда. Мижознинг зарар етказганлик учун жавобгарлиги

Мижоз ўзининг айби билан бошқа шахсларга, ташувчининг ва бошқа шахсларнинг ташувчи жавобгар бўлган мол-мулкига етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Юк жўнатувчи транспорт ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар нотўғрилиги, ноаниқлиги ёки тўлиқ эмаслиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган барча зарарлар учун ташувчи ва учинчи шахс олдида жавобгар бўлади.

28-модда. Йўловчилар, багаж ва юкларни суғурта қилиш

Йўловчилар халқаро ва шаҳарлараро автомобиль транспортидан фойдаланганда мажбурий шахсий суғурта қилинишлари шарт.

Мажбурий шахсий суғурталаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Йўловчилар ҳаётини, соғлиғини ихтиёрий суғурта қилиш, шунингдек багаж ва юкларни суғурта қилиш тегишли суғурта шартномалари асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

29-м о д д а. Автомобиль транспортида хавфсизлик ва экология нормаларини таъминлаш

Ташувчи йўловчилар, багаж ва юкларни ташини, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, ҳаракат хавфсизлигини ҳамда атроф муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Автотранспорт корхоналари, автовокзаллар, автобекатларнинг транспорт воситалари ҳаракати ва юк ортиш-тушириш ишлари амалга ошириладиган ҳудудлари ўта хавфли тегралар ҳисобланади. Ўта хавфли теграларда бўлиш ва унда ишларни амалга ошириш қондалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Заҳарловчи, портловчи, алангаланувчи, радиоактив, заҳарли ва бошқа хавфли юклар фақат бундай юкларни ташини қондаларига мувофиқ ташилиши лозим. Мижоз ва ташувчи уларнинг беҳатар ташилиши, ортилиши ва тушириб олинишини таъминлашлари шарт. Хавфли юкларни қўриқлаш ва кузатиб бориш юкни жўнатувчилар ёки олувчилар томонидан бутун йўл давомида таъминланади.

Хавфли юклар рўйхати ва уларни ташини қондалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

30-м о д д а. Низоларни ҳал қилиш

Ташувчи ва мижоз ўртасида юзага келадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

31-м о д д а. Автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
«АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНING**

1998 йил 29 август

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 175-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

**МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИНГ ОЛИБ
ЧИҚИЛИШИ ВА ОЛИБ КИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

1998 йил 29 август

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 178-модда)**

1-модда. Мазкур Қонуннинг мақсади

Мазкур Қонуннинг мақсади Ўзбекистон халқининг маданий меросини асраш, маданий бойликларни қонунга хилоф равишда олиб чиқилиши ва олиб кирилишидан муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан, уларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишининг ягона тартибини белгилашдан, шунингдек халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришга қўмаклашишдан иборат.

**2-модда. Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши
ва олиб кирилиши тўғрисидаги қонун
ҳужжатлари**

Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Мазкур Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

маданий бойликлар — моддий дунёнинг миллий, тарихий, бадиий, илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий ва бошқа маданий аҳамиятга молик кўчар ашёлари;

маданий бойликларнинг олиб чиқиши — маданий бойликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига уларни қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз божхона чегараси орқали олиб ўтиш;

маданий бойликларнинг олиб кирилиши — маданий бойликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига уларни қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз божхона чегараси орқали олиб ўтиш;

маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқиши — маданий бойликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига уларни шартлашиб қўйилган муддатда қайтариб олиб кириш мажбурияти билан божхона чегараси орқали олиб ўтиш;

маданий бойликларнинг вақтинча олиб кирилиши — маданий бойликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига уларни шартлашиб қўйилган муддатда қайтариб олиб чиқиш мажбурияти билан божхона чегараси орқали олиб ўтиш.

4-модда. Мазкур Қонуннинг таъсири остида бўладиган маданий бойликлар

Қуйидагилар мазкур Қонуннинг таъсири остида бўлади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан яратилган маданий бойликлар;

чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яратилган маданий бойликлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида топилган маданий бойликлар;

музейлар, кутубхоналар, архивлар, кино-, фото-, фонотекаларда, суратлар галереяларида ва бошқа сақлаш жойларида тўпланган маданий бойликлар;

қайси давлатларга мансуб бўлса, ўша давлатларнинг ваколатли органлари розилиги билан археологик, этнологик ва табиий-илмий экспедициялар томонидан қўлга киритилган маданий бойликлар;

ихтиёрий равишда айирбошлашлар натижасида олинган маданий бойликлар;

қайси давлатларга мансуб бўлса, ўша давлатларнинг

ваколатли органлари розилиги билан мерос, ҳада сифатида олинган ёки қонуний қўлга киритилган маданий бойликлар;

чет эллик юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилатган маданий бойликлар.

5-модда. Давлат органларининг маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши соҳасидаги ваколатлари

Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилишини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган тартибда маданий бойликлар сирасига кирувчи ашёларнинг тоифасини аниқлайди;

маданий бойликларнинг олиб чиқилиши, вақтинча олиб чиқилиши мумкинлиги тўғрисида қарорлар қабул қилади;

олиб чиқилаётган ва олиб кирилатган, шунингдек вақтинча олиб чиқилаётган ва вақтинча олиб кирилатган маданий бойликларни рўйхатга олади;

олиб чиқилади, вақтинча олиб чиқилади деб эълон қилинган, шунингдек вақтинча олиб чиқилганидан кейин қайтариб олиб келинган маданий бойликларни экспертизадан ўтказишни таъминлайди;

маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва вақтинча олиб чиқилиши ҳуқуқини берувчи гувоҳнома беради;

ушлаб қолинган ёки мусодара қилинган маданий бойликларни тегишли давлат органларидан қабул қилиб олади, уларни экспертизадан ўтказди ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби устидан назоратни амалга оширади.

Маданий бойликларни экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилишини назорат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6-модда. Олиб чиқиладиган ва олиб кириладиган маданий бойликларга бўлган мулк ҳуқуқи

Олиб чиқиладиган ва олиб кириладиган маданий бойликларга давлат мулки ҳуқуқи ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк ҳуқуқи юзага келишига қуйидагилар асос бўлади:

маданий бойликлар давлат бюджети ҳисобига яратилганлиги;

маданий бойликлар юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз фаолияти ҳисобига яратилганлиги;

маданий бойлик яратилиши ёки қўлга киритилишига асос бўлган битимлар;

мерос олиш.

Айни пайтда интеллектуал мулк объекти ҳам бўлган маданий бойликларга мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7-модда. Мулкдорнинг маданий бойликларнинг олиб чиқилишига бўлган ҳуқуқи

Маданий бойликларнинг ўз мулкдори ёки у ваколат берган шахс томонидан олиб чиқилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан бериладиган олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома асосида амалга оширилади.

Муаллиф ўзи яратган, ўз мулки бўлган маданий бойликларни олиб чиқишга ҳақли.

8-модда. Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши мумкин бўлмаган маданий бойликлар

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши мумкин эмас:

эллик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойликлар;

давлат томонидан муҳофаза рўйхатлари ва реестрларига киритилган маданий бойликлар;

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамоат музейларида, архивларида, кутубхоналарида ва бошқа сақлаш жойларида доимий сақланаётган маданий бойликлар.

9-модда. Маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилиши

Маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилиши юридик ва жисмоний шахслар томонидан қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

кўргазмалар ташкил этиш учун;

қайта тиклаш-таъмирлаш ишларини ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун;

театр, концерт ва бошқа санъаткорлик фаолияти муносабати билан;

Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ва ваколатхоналарини жиҳозлаш учун;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Вақтинча олиб чиқилаётган маданий бойликлар кредитни таъминлаш воситаси сифатида ишлатилиши ёки гаров нарсаи бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

10-модда. Маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилиши шартлари

Маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилиши учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги берадиган гувоҳнома асос бўлади.

Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ҳуқуқини берувчи гувоҳномани бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11-модда. Маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилиши тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Давлат музейлари, архивлари, кутубхоналари, давлатнинг бошқа сақлаш жойлари томонидан маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилиши тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун ариза берилиб, унга қуйидагилар илова қилинади:

маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилишининг мақсадлари, муддатлари ва шартлари тўғрисида қабул қилувчи томон билан тузилган шартнома;

суғурта хавфларининг барча ҳоллари таъминланган ҳолда вақтинча олиб чиқилаётган маданий бойликлар мулкий суғурта шартномасининг суғурта полиси (гувоҳнома, сертификат, квитанция);

қабул қилувчи томон давлат органларининг вақтинча олиб чиқиладиган маданий бойликларнинг сақланиши ва ўз вақтида қайтарилиши хусусидаги ёзма кафолатлари.

Бошқа юридик шахслар томонидан маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилиши тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун аризага ушбу модданинг биринчи қисми иккинчи ва учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади.

Жисмоний шахслар томонидан маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилиши тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун аризага ушбу модданинг биринчи қисми учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади.

12 модда. Маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилиши тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад этиш

Маданий бойликларнинг вақтинча олиб чиқилиши тўғрисидаги гувоҳнома қуйидаги ҳолларда берилмайди, агар:

ушбу Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;

вақтинча олиб чиқилади деб эълон қилинган маданий бойликларнинг ҳолати уларни сақлаш шароитларини ўзгартириш имкониятини бермаса;

вақтинча олиб чиқилади деб эълон қилинган маданий бойликларнинг мулкдори аниқланмаган бўлса;

маданий бойликлар мулк ҳуқуқи тўғрисидаги низо мавзуи бўлса;

маданий бойликларни вақтинча олиб чиқишга мўлжалланаётган мамлакатда вақтинча олиб чиқиладиган маданий бойликларнинг сақланишини таъминлашга тўсқинлик қиладиган табиий офат содир бўлган ёки бошқа ҳолатлар юзага келган бўлса.

13-модда. Вақтинча олиб чиқилган маданий бойликларни муҳофаза қилиш

Ўзбекистон Республикасидан вақтинча олиб чиқилган маданий бойликларни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли мамлакатдаги дипломатия ваколатхоналари томонидан амалга оширилади.

14-модда. Вақтинча олиб кирилган маданий бойликлар сақланишининг кафолатлари

Давлат Ўзбекистонга вақтинча олиб кирилган маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда сақланишини кафолатлайди.

15-модда. Ашёларнинг маданий бойликлар ниқоби остида олиб кирилишини тақиқлаш

Конституциявий тузум ва давлат мустақиллигига путур етказишга, ҳудудий яхлитликни бузишга қаратилган, урушни, террорчиликни, зўравонликни, диний экстремизмни, ирқчиликни тарғиб қилувчи ашёларнинг, шунингдек порнографик мазмундаги материалларнинг маданий бойликлар ниқоби остида олиб кирилиши тақиқланади.

16-модда. Маданий бойликларнинг қонунга хилоф равишда олиб кирилиши ва қўлга киритилишининг олдини олиш

Маданий-бойликларга нисбатан қидирув эълон қилинган бўлса, улар кейинчалик қонуний мулкдорларига қайтариш мақсадида ушлаб қолиниши керак.

Бошқа мамлакатлардан қонунга хилоф равишда олиб чиқилган, ўғирланган ёки қонунга хилоф равишда қўлга киритилган маданий бойликларни қўлга киритишнинг олдини олиш мақсадида давлат музейлари, архивлари, кутубхоналари, давлатнинг бошқа сақлаш жойлари уларнинг келиб чиқиши тўғрисида зарур ахборотга эга бўлишлари шарт.

17-модда. Маданий бойликларни реализация қилиш

Олиб чиқилиши мумкин бўлмаган маданий бойликларни реализация қилиш бу бойликларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқилиши мумкин эмаслиги тўғрисида харидор ёзма равишда огоҳлантирилганидан кейингина амалга оширилади.

Маданий бойликларни ким ошди савдосига (аукционга) қўйиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан келишувга кўра амалга оширилади.

Маданий бойликларни реализация қилишда иштирок этувчи юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг рухсатномасини олишлари шарт.

18-модда. Маданий бойликлар транзити ва уларни почта жўнатмаларида юбориш

Маданий бойликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тартибида олиб ўтишда Ўзбекистон Республикаси божхона органларига маданий бойликлар фақат транзит тартибида олиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида белгиланган шартларда олиб кирилаётганлигидан далолат берувчи ҳужжат тақдим этилади.

Маданий бойликларни почта жўнатмаларида юбориш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19-модда. Маданий бойликларни ҳалол қўлга киритувчининг ҳуқуқлари

Бошқа мамлакатлардан қонунга хилоф равишда олиб чиқилган, бошқа давлатларда ўғирланган ёки йўқолган маданий бойликларни ҳалоллик билан қўлга киритувчи уларни қонуний мулкдорига қайтариши лозим. Бундай ҳолларда ҳалоллик билан қўлга киритувчига белгиланган тартибда компенсация тўланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ қайтарилган маданий бойликлар божхона тўловлари ва бошқа йигимлардан озод қилинади. Талаб қилувчи тараф қайтаришга доир бошқа харажатларни кўтаради.

20-модда. Маданий бойликларни қайтариш

Давлат қонунга хилоф равишда олиб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасига қайтарилиши лозим бўлган маданий бойликларни талаб қилиб олиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан унинг мустақиллиги эълон қилингунга қадар қонунга хилоф равишда олиб чиқилган маданий бойликларни қайтариш тўғри-

сидаги талабларга нисбатан даъво мuddати татбиқ этилмайди.

Қайтарилган маданий бойликларнинг мулкдорлари уларни қайтариб олиб киришда божхона тўловлари ва махсус йиғимни тўлашдан озод қилинади.

21-модда. Маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказганлик учун махсус йиғим

Маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказганлик учун махсус йиғим тўланади.

Маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказганлик учун махсус йиғимнинг миқдори ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

22-модда. Маданий бойликлар учун божхона тўловлари

Маданий бойликларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилишида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона тўловлари олинади.

23-модда. Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИНГ ОЛИБ ЧИҚИЛИШИ
ВА ОЛИБ КИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1998 йил 29 август

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 179-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л д и:

1. «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1998 йил 1 ноябрдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР
ВА ҚЎШИМЧАЛАР ҚИРИТИШ Тўғрисида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 29 август

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳуж-
жатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 феврал-
да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасидаги кор-
хоналар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 78-
модда; 1993 йил, № 6, 246-модда; 1994 йил, № 11—12,
285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1997 йил,
№ 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда;
1998 йил, № 5—6, 102-модда) 2-моддаси 2-бандининг би-
ринчи қисми «ишловчилар сонига қараб кичик» деган
сўзлардан кейин «ёки ўрта» деган сўзлар билан тўлди-
рилсин.

II. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда
қабул қилинган «Кооперация тўғрисида»ги Қонуни (Ўз-
бекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотно-
маси, 1991 йил, № 8, 193-модда; 1994 йил, № 2, 52-
модда):

1) бешинчи моддаси 1-бандининг биринчи қисмидан
«ва жамоа хўжалигида» деган сўзлар чиқариб таш-
лансин;

2) 13 ва 14-моддалари қуйидаги таҳрирда баён этил-
син:

«13-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари
(ширкатлари)

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) ишлаб

чиқариш кооперативининг бир шакли сифатида ушбу Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ва ўз уставида назарда тутилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади.

14-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкатларининг) ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар».

III. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 10, 401-модда; 1993 йил, № 6, 266-модда; 1994 йил, № 11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 56-модда):

1) 2-моддаси 1-банди иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги «ҳарбий ўқув юртларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий ўқув юртларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳарбийлаштирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 24-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «ҳарбий ўқув юртларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий ўқув юртларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳарбийлаштирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 25-моддасининг:

1-бандидаги «Ҳарбий ўқув юртларида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий ўқув юртларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳарбийлаштирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-бандидаги «Ҳарбий ўқув юртидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий ўқув юртидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳарбийлаштирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 44-моддасининг:

сарлавҳаси «Миллий хавфсизлик хизмати раисининг» деган сўзлардан кейин «Давлат божхона қўмитаси раисининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ушбу Қонуннинг 6 ва 26-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларидан фойдаланади»;

учинчи қисми «Миллий хавфсизлик хизмати раисининг» деган сўзлардан кейин «Давлат божхона қўмитаси раисининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

IV. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 13-модда; 1994 йил, № 11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1996 йил, № 9, 144-модда):

1) **3-моддасининг 5-банди** чиқариб ташлансин;

2) **4-моддасининг 1-банди** қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Давлатнинг мол-мулки асосида тузилган хўжалик жамияти, ширкати тегишли ордерни ваколатли органдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олган дақиқадан эътиборан мулкдор ҳуқуқига эга бўлади».

V. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда) 4-моддасининг 3-банди қуйидаги мазмундаги «р» ва «с» кичик бандлари билан тўлдирилсин:

р) фермер хўжалигида фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар — уларга фермер хўжалиги мол-мулкига мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун;

с) деҳқон хўжалигида фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар — уларга деҳқон хўжалиги мол-мулкига мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун».

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4—5, 126-модда):

1) **1-моддаси «ташкилотлар»** деган сўздан кейин «фермер ва» деган сўз билан тўлдирилсин;

2) **9-моддасининг биринчи қисми «ташкилотлар»** деган сўздан кейин «фермер ва» деган сўз билан тўлдирилсин;

3) **18-моддаси «ташкилотлар»** деган сўздан кейин «фермер ва» деган сўз билан тўлдирилсин;

4) **36-моддаси:**

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар «Қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар «Қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «корхона, муассаса, ташкилот, фермер хўжалиги тугатилганда, деҳқон хўжалиги тугатилганда ёки унинг фаолияти тўхтатилганда»;

иккинчи қисмидаги «корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар «корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар «корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **39-моддасидаги «Қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари»** деган сўзлар «Қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **47-моддасининг биринчи қисмидаги** «жамоа хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ҳамда деҳқон хўжаликларининг» деган сўзлар «қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкатларининг), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **48-моддасининг учинчи қисмидаги** «жамоа хўжаликлари ва бошқа корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасалар» деган сўзлар «қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **49-моддасининг олтинчи қисми** чиқариб ташлансин;

9) **54-моддасидаги** «жамоа хўжаликлари ва бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар «қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **88-моддасидаги** «жамоа хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, туманга бўйсунадиган бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасида, шунингдек мазкур корхоналар, ташкилотлар, муассасалар» деган сўзлар «қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер, деҳқон хўжаликлари, туманга бўйсунадиган бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида, шунингдек мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **102-моддасининг биринчи қисмидаги** «корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар «корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер ва деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **117-моддасидаги** «Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар «Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер ва деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VII. 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбе-

кистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4—5, 126-модда) **14-моддасининг биринчи хат-бошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин

«Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар қажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар».

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда):

1) **51-моддасининг биринчи қисмидан** «жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (119-модданинг тўртинчи қисми)», «урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-модда», «Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158-модданинг биринчи қисми), жосуслик (160-модданинг биринчи қисми)», «контрабанда (246-модданинг иккинчи қисми)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **119-модда тўртинчи қисмининг, 152-модданинг, 158-модда биринчи қисмининг, 160-модда биринчи қисмининг ҳамда 246-модда иккинчи қисмининг сaнкция қисмларидан** «ёки ўлим жазоси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **176-модданинг:**

сарлавҳаси «Қалбаки пул» деган сўзлардан сўнг «акциз маркаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисми «металл тангалар» деган сўзлардан сўнг «акциз маркалар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **285-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар билан алмаштирилсин:**

«Уша қилмиш:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса;

в) баданга оғир шикаст етказилишга сабаб бўлса, — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамларнинг ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) 301-моддасининг:

иккинчи қисмининг санкция қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкция қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

тўртинчи қисмининг санкция қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

6) **Саккизинчи бўлимидаги** «анча миқдор», «анча миқдордаги зарар», «жуда кўп зарар», «жуда кўп миқдор», «кўп бўлмаган зарар», «кўп миқдор», «кўп миқдордаги зарар» деган атамаларнинг ҳуқуқий маъноси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Анча миқдор — энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдор;

Анча миқдордаги зарар — энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар»;

«Жуда кўп зарар — энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги зарар;

Жуда кўп миқдор — энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор»;

«Кўп бўлмаган зарар — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача бўлган зарар;

Кўп миқдор — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор;

Кўп миқдордаги зарар — энг кам ойлик иш ҳақининг

юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар».

IX. **Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда) **512-моддасининг иккинчи қисми қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:** «Ишларни гарнизонлар ҳарбий судларидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига, шунингдек Қуролли Кучлар Ҳарбий суди раисининг ўринбосарлари, Қуролли Кучлар Ҳарбий прокурорининг ўринбосарлари, гарнизонлар ҳарбий прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам эгадирлар».

X. **Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5—6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5—6, 102-модда):

1) **50-моддасининг сарлавҳаси ва диспозициясидаги «давлат иш билан таъминлаш хизмати» деган сўзлар «маҳаллий меҳнат органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

2) **66-моддасининг диспозицияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ер бериш тартибини бузиш, худди шунингдек фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш учун, якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш»;

3) **100-моддасининг санкциясидаги «иккидан бир қисмидан икки бараваригача» деган сўзлар «беш барабаридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

4) **101-моддаси:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «иккидан бир қис-

мидан икки» деган сўзлар «уч бараваридан етти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «икки бараваридан тўрт бараваригача» деган сўзлар «етти бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 151 ва 152-моддалари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«151-модда. Рухсатсиз радиоузаткич шохобчаси ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш, шунингдек абонентлик қурилмасини электр алоқа тармоқларига улаш

Қувватидан қатъи назар радиоузаткич шохобчасини рухсатсиз ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Абонентлик қурилмасини рўйхатдан ўтказмай ёки рухсатсиз электр алоқа тармоқларига улаш, —

абонентлик қурилмасини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

152-модда. Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузиш

Радиоэлектрон воситалар ёки юқори частотали қурилмаларни лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини, радиоайирбошлаш ва радиочастоталардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, радионурланишнинг давлат стандартлари, нормалари ва белгиланган тартибда ўрнатилган параметрларига риоя этмаслик, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни тайёрлаш, олиш, сотиш ёки ўзгага доимий

ёхуд вақтинча фойдаланиш учун бериш тартибини бузиш, —

радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) 153-моддасининг диспозициясидаги «радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) 154-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«154-модда. Алоқа йўллари ва иншоотларини мухофаза қилиш қоидаларини бузиш

Алоқа йўллари ва иншоотларини, шунингдек алоқа йўли ва кабель иншоотларини мухофаза қилиш қоидаларини бузиш, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

8) 229-моддасининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бўш иш жойлари (бўш лавозимлар)ни яшириш, шунингдек ҳар бир ходим бўшатиб олинishi кутилаётган-

лиги тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида бермаслик, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасига ажратмаларни тўлашдан бўйин товлаш»;

9) **245-моддасининг биринчи қисмидаги** «151-моддасининг учинчи қисми» деган сўзлар «151-моддасининг иккинчи қисми, 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **246-моддасидан** «151» рақами чиқариб ташлансин;

11) **255-моддасининг иккинчи қисм учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун — меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари ҳамда касаба уюшмаларининг меҳнат бўйича техник инспекторлари»;

12) **263-моддасининг биринчи қисмидаги** «151-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 152, 153, 154, 156-моддаларида» деган сўзлар «151-моддасининг биринчи қисмида, 152-моддасининг биринчи қисмида, 153, 154, 156-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **287-моддасининг:**

1-бандидаги «151-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар «152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8-банди «ушбу Кодекснинг» деган сўзлардан кейин «152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган (радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни сотиш ёхуд ўзгага доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун бериш қисми)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) **305-моддасининг иккинчи қисмидан** «151-моддасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Ер ости бойликлари тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 10, 252-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда) **14-моддасининг олтинчи қисмидаги** «Ер тўғрисидаги қонунга» деган сўзлар «ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг**

Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда) **7-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

XIII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 252-модда) **2-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидагилар кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади:

мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони ўн кишигача, савдо, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида — беш кишигача бўлган микрофирмалар;

мулк шаклидан қатъи назар, санъат соҳасида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони қирқ кишигача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида — йигирма кишигача, фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида — ўн кишигача бўлган кичик корхоналар».

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил № 5—6, 102-модда):

1) **60-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахс ишсиз деб эътироф этилади»;

2) **63-моддаси «боғлиқ бўлса»** деган сўзлардан кейин «таклиф этилган иш донмий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатдан қулай бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **66-моддаси:**

биринчи қисмининг тўртинчи ва бешинчи хатбошила-ри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ишсиз шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқини олган тақдирда;

ишсиз шахс суднинг ҳукми билан қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган бўлса»;

биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги «олишга уринса» деган сўзлар «олаётган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ишсиз шахс касбга ўрганиш, қайта тайёрлаш ёки малакасини оширишга юборилган бўлса, — стипендия олиб касб ўрганиш, қайта тайёрлашдан ўтиш ёки малака ошириш даврида»;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

4) **67-моддасининг тўртинчи қисмидаги «улар ишсиз мақомига эга бўладилар» деган сўзлар «улар ишсиз деб эътироф этиладилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

5) **68-моддаси:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат: ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналарга; таълим муассасаларини битирган ёшларга; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатирилганларга; ногиронларга ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахсларга; жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори билан мажбурий даволанишга юборилган шахсларга қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун кўрсатилган тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш минимал иш жойларини белгилаб қўйиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан қўшимча кафолатларни таъминлайди»;

иккинчи қисмидаги «Қуролли Кучлар сафидан, ИИВ қўшинларидан ва Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 78-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошидаги «белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган ногиронлар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни» деган сўзлар «белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 84-моддасининг учинчи қисмидаги «квота ҳисобидан» деган сўзлар «минимал иш жойлари ҳисобидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 220-моддасининг биринчи қисмидаги «белгиланган квота ҳисобидан» деган сўзлар «белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 239-моддасининг:

биринчи қисмидаги «Белгиланган квота» деган сўзлар «Белгиланган минимал иш жойлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Квота» деган сўз «Белгиланган минимал иш жойлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XV. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 28 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5—6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда):

1) 4-моддасининг биринчи қисмидаги «инвесторларнинг» деган сўз «акциядорларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) 7-моддасининг иккинчи қисмидаги учинчи жумла қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган чегарадан ортиб кетган тақдирда у ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун миқдори акциядорларнинг чегараланган лимитидан ортиб кетган шахслар акциядорлар реестрида рўйхатга олинган кундан эътиборан олти ой ичида очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тугагач, суд тартибида тугатилиши лозим»;

3) 8-моддаси қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қонда назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

4) 14-моддасининг:

биринчи қисми «устав» деган сўздан кейин «ёки таъсис шартномаси ва устав ёхуд фақат таъсис шартнома-си» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

5) 17-моддаси:

иккинчи қисмидаги «устав ва эмиссия маълумотномасини» деган сўзлар «уставини» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан узоғи билан олти ойгача бўлган муддатда жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги, кузатув кенгаши тўғрисидаги ва ижроия органи тўғрисидаги (тегишинча директор, бошқарув, дирекция, бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи тўғрисидаги), фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек акциядорлик жамиятининг кўрсатилган бошқарув органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиботини белгиловчи низомларни тайёрлаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаши шарт»;

6) 19-моддасининг **иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Жамият давлат мулки негизида тузилганда корхонанинг (мол-мулкнинг) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг суммасини ташкил этади»;

7) 20-моддасининг **матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Очиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият рўйхатдан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз барабар суммасидан кам бўлмаслиги, ёпиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди эса,

Энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз барабар суммасидан кам бўлмаслиги керак.

Энг кам ойлик иш ҳақининг суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгарган тақдирда, акциядорлик жамиятининг устав фонди бир йил ичида белгиланган миқдорга мувофиқ ҳолга келтирилиши керак»;

8) 24-моддасининг:

сарлавҳаси ва биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24-модда. Акцияларнинг хиллари ва турлари

Акциялар хиллари ва турлари (тоифалари) бўйича фарқланади. Акцияларнинг хиллари: эгаси ёзилган, эгаси ёзилмаган. Акцияларнинг турлари (тоифалари): имтиёзли, оддий»;

иккинчи ва учинчи қисмларидаги «акциядорларини рўйхатга олиш дафтарига», «акцияларини рўйхатга олиш дафтарига» деган сўзлар «акциядорларининг реестрига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 31-моддасининг биринчи қисмидаги «ўз ходимлари орасида тарқатиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) 33-моддасида:

тўртинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади»;

тўққизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди, реестрида рўйхатга олиш, жамиятни тузиш вақтида муассислар сотиб олган акциялар бундан мустасно»;

11) қуйидаги мазмундаги 37¹-модда билан тўлдирилсин:

**«37¹-м о д д а. Акциядорлик жамиятларига айлан-
тирилатган давлат корхоналарининг
меҳнат жамоалари аъзолари ўртасида
акцияларни тарқатиш**

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлан-тирилганда корхона меҳнат жамоаси аъзолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциялар қиймати ҳақини тўлаб устав фондидаги тегишли улушдан акциялар сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади»;

12) 56-моддасининг иккинчи қисмидаги «Йиллик дивидендлар тўлаш тўғрисида» деган сўзлар чиқариб ташланиб, «белгилаб қўйилади» деган сўзлардан кейин жумла «ва шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) 57-моддасининг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат корхоналарини қайта тузиш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида дивидендлар устав фондининг бошланғич миқдорига мувофиқ тарзда, мавжуд акцияларнинг тўла суммаси бўйича, акцияларнинг давлатга тегишли, ҳақи тўланиши тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган пайтда сотилмай қолган қисмини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади»;

14) 69-моддасининг биринчи қисмидаги «(бу хабарнома олинганлигини тасдиқлаш шарти билан)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) 86-моддасининг:

саккизинчи қисми қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда уларнинг умумий йиғилиш ва кузатув кенгаши олдидаги ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим»;

ўн биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши, агар уставга биноан унга шундай ҳуқуқ берилган бўлса, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия органи (бошқаруви,

дирекцияси) раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир».

XVI. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4—5, 112-модда) 3-моддасининг **иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича фаолиятни ташкил этади, инвестиция лойиҳаларининг, шу жумладан чет эл кредит линиялари орқали жалб этиладиган инвестиция лойиҳаларининг амалга ошириши самарадорлиги мониторингини инвестиция циклининг барча босқичларида ўтказди;

корхоналарнинг катталиги, мулк шакли ва қайси тармоққа мансублигидан қатъи назар, барча товар ишлаб чиқарувчиларга улар томонидан бошланғич ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг юритилиши, молиявий ресурслардан самарали фойдаланилиши, инвестицияларни жалб этиш имкониятлари, маҳсулотнинг экспорт қилиниши, кадрларнинг касбий ўқуви масалаларида кўмаклашади;

